

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

РАХМАНОВА ГУЛНОЗА ШУХРАТОВНА
Итларда катарал стоматит, этиологияси ва даволашни
такомиллаштириш
5А 440109 – Кинология

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
д и с с е р т а ц и я

Илмий раҳбар:
в.ф.н.
Каримов М. Г.

Самарқанд -2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	10
1.1.Итларда оғиз бўшлиғи касалликларини таснифланиши.....	
1.2.Итларда оғиз бўшлиғи касалликларини этиопатогенези, клиник белгилари , даволаш ва олдини олиш.....	22
I. боб бўйича хулоса.....	
2 II.боб АСОСИЙ ҚИСМ.....	32
2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....	32
2.2. Итларда оғиз бўшлиғи органлари анатомо-топографияси ва уларнинг физиологик хусусиятлари.....	32
2.3 Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озиқланиши, умумий дрессировкаси ва уларда оғиз бўшлиғи касалликларининг учраш даражаси.....	23
2.3.1.Хизмат итларини сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси.....	34
2.3.2. Итларда оғиз бўшлиғи касалликларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси	
2.4. Итларда катарал стоматитларни даволаш.....	36
2.4.1. Клиник кўрсаткичлар.....	36
2.4.2.Қоннинг морфологик кўрсаткичлари..	
2.4. Ишнинг иқтисодий самарадорлиги....	
2-боб бўйича хулоса.....	39
III. боб.Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар...	
III.боб бўйича хулоса	49
Хулоса.....	79
Амалий тавсиялар.....	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61
Илова.....	68

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади деб таъкидлади.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор. Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгилашлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмониға 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўзининг пешона тери, қадок қўллари билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётган, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаётган барча қишлоқ меҳнатчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик ва ҳурмат-эҳтиром билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истикболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайдди.

Хабарингиз бор, ўтган йили 2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши даркор. Вазирлар Маҳкамаси мазкур дастур ижроси устидан тизимли назорат ўрнатсин.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охириги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;

Кейинги йилларда Республикаимизнинг чегара ҳудудларида хизмат итларидан кенг фойдаланилмоқда. Итларнинг оғиз бўшлиғида овқат қабул қилиниб дастлабки парчаланиш жараёни бошланади. Оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнлар организмдаги овқат ҳазм қилиш жараёнларининг

бузилишига сабаб бўлиб, тўғридан тўғри итлар организмнинг ҳолатига ва хизмат вазифасига таъсир қилади. Шунинг учун итларда оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнларни фақат маҳаллий патологик жараён деб ҳисоблаш мумкин эмас, балки у бутун организмнинг касалиги бўлиб, унда марказий нерв системасининг аҳамияти жуда катта. Оғиз бўшлиғидаги ва унинг тўқималарида патологик жараённинг ривожланиши кўп учрайди. Масалан милкларнинг шишиши, стоматититлар организмнинг касалланишидан далолат беради ва бу улар хизмат вазифасини бажаришга салбий таъсир этади.

Бундан кўриниб турибдики, оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнлар итлар орасида кенг тарқалган ва улар организмга салбий таъсир қилади. Шунинг учун итларда оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнлар тарқалишини ўрганиш, уларни даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб муоммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ит ва мушукларда оғиз бўшлиғи касалликлари жуда кўп учраб, оғир асоратларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Кейинги йилларда Россияда итларда учрайдиган оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда, аммо оғиз бўшлиғидаги пато-физиологик жараёнлар кам ўрганилганлиги боис ва ташхис қўйиш ҳамда даволаш ишлари яхши такомиллаштирилмаганлиги сабабли хизмат кўрсатиш юқори савияда олиб борилмаяпти. **(Зазулевская Л.Ю., 2002; Пачес А.И., 2000; Персии Л.С., 2007)** Шунга қарамасдан ветеринария врачларининг стоматологияга бўлган қизиқиши ортиб, итларда оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш бўйича анча тажриба тўплаганлар.

Оғиз бўшлиғидаги ҳар қайси аъзо касаллигини, оғиз бўшлиғининг умумий касаллиги деб қараш лозим.

Итларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси шикастланишининг келиб чиқиши турли хил юқумли ва юқумсиз касалликлар ва уларнинг асорати бўлиб, иккиламчи патологик жараён сифатида ривожланиб, хизмат итлари

боқиладиган ва кўпайтириладиган кинология питомникларига катта иқтисодий зарар етказди.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган стоматит касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

- тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши; Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Вилоят ППХ ва ЖТСБ питомникларида сақланаётган хизмат итларида, вилоят марказий шифохонаси лабораториясида, 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Дастлаб вилоятимиздаги итлар орасида стоматит касаллиги билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида стоматит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усулларини ишлаб чиқиш мақсадида режали хирургик диспансерлаш ўтказилди. Режали диспансерлаш йилига икки марта ўтказилди. Бунда итларнинг сақлаш ва озиқланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида итларда стоматит билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, кўз ва оғиз шиллиқ пардаларининг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг танасида ҳосил бўлган шишларнинг ҳарактери, оғрик сезиш натижалари аниқланди. Стоматит билан касалланган итлар орасида касалликнинг этиопатогенезини ўрганиш мақсадида касалланган итлар ажратилиб, клиник, қонда морфологик текширишлар ўтказилди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасида стоматит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиқлантириш шароитлари тенглаштирили. Улар

5 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Ҳар бир итда стоматит касаллигининг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Ҳар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражасига қараб белгиланди.

Биринчи тажриба гуруҳи касал итларига маҳаллий ва умумий даволаш ишлари амалга оширилиб, бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 1 мл, витамин В6 дан – 1 мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда анор пўстлоғидан тайёрланган кукун пуркаш ва унинг дамламаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккинчи назорат гуруҳи касал ҳайвонларига ҳам 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 2 мл, витамин В6 дан - 2мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда мойчечак гули дамламаси эритмаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди.

Даволашнинг самараси ўткир яллиғланиш ҳодисаларнинг пасайиши, экссудатнинг сўрилиши, шишнинг пасайиши ва бошқа кўрсаткичларнинг нормаллашиш натижалари бўйича аниқланди.

- тадқиқот мақсади ва вазифалари; Итларда оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнларни, стоматитларни этиологияси, ривожланиши, эколого-морфологик асоси, келтириб чиқарадиган зарари, диагностикасини ўрганиш, даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади. Бу мақсаддан қуйидаги вазифалар келиб чиқади:

1. Итлар орасида оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнлари стоматитларни учраш даражасини аниқлаш.
2. Итлардаги стоматитларни клиник ва морфологик ўзгаришларни ўрганиш.
3. Итларда стоматитларни самарали даволаш усулини ишлаб чиқиш.

4. Стоматит касалликларини этиологияси, эртачи диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

- **тадқиқотнинг асосий мақсадлари ва фаразлари;** Итларда оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнларни, стоматитларни этиологияси, ривожланиши, эколого-морфологик асоси, келтириб чиқарадиган зарари, диагностикасини ўрганиш, даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш муҳим илмий - амалий аҳамият касб этади. Итларда оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнларни, катарал стоматитларни этиологияси, диагностикасини ўрганиш, даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш билан хизмат итлари иш қобилияти ва фаолияти тикланади.

- **мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;** Барча оғиз бўшлиғи касалликлари 9 гуруҳга бўлинади яъни туғма патология, тиш аномалиялари, пародонт касалликлари, пульпа касаллиги ва периапикал тўқима ҳамда бошқа оғиз бўшлиғи шиллиқ парда касалликлари киради. Шикаст натижасида келиб чиқадиган касалликлар, тишларнинг деструктив касалликлари, оғиз бўшлиғи ўсмалари, оғиз бўшлиғи жароҳати ва стоматитлар организмнинг бошқа тизим касалликларининг клиник белгиси бўлиб ҳисобланади. (**Gwenn Schamberger., et.al., 2010 Pavlica. Z., et a I. 2008; Tholen MT., Hoft R.F., 1990**)

Зазулевская Л.Ю (2002), Пачес А.И (2000), Персии Л.С (2007) маълумот беришича, итлар орасида учрайдиган стоматитларни келиб чиқишини, итларни нотўғри озиклантириш, нотўғри зоогигиеник шароитларда сақлаш, ишлатиш ва махсус ўргатиш тренингини ўтказишдаги камчиликларга боғлашади. Итларда учрайдиган стоматитлар, умумий хирургик касалликларнинг 8-18% ини ташкил қилади.

Стоматитлар тарқалишига кўра - тил, милк, юмшоқ танглай ва тишларда, турига қараб – катарал, везикуляр, дифтиритик, папилломатозли, ярали ва гангренозли, кечиш характериға кўра – ўткир, ярим ўткир ва сурункали, клиник белгилари – касаллик туриға, кечиш характериға ва тарқалишиға

боғлиқ бўлади (**Қ.Н.Норбоев ва бошқалар, 2007 ; А.Д.Белов, Е.П Данилов ва бошқ. 1990).**

- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи; Хайвонлар мунтазам текшириб турилди, тана ҳарорати ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус стоматологик текширишлар ўтказилди.

Резистентлик кўрсаткичлари морфологик ва биокимёвий усуллар ёрдамида ўрганилди.

Юқоридаги тартибдаги тажрибалар итларда стоматит касаллигининг кечиш хусусиятларини ўрганиш ташхисини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш учун қўлланиладиган усулларни баҳолаш мақсадида улар қонидаги резистентлик кўрсаткичлари морфологик усуллар ёрдамида ўрганилди.

Итларда стоматит касалликларига эртачи диагноз қўйиш мақсадида питомникларда, шаҳар ветеринария бўлимларида ветеринария мутахассислари билан биргаликда хирургик диспансеризация ўтказилиб, барча стоматит билан касалланган итларнинг сони, касалликнинг тарқалиш даражаси аниқланди.

Касалликнинг ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар сони, периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин миқдори, қон зардобидидаги умумий оксил миқдори ва оксил фракциялари аниқланди.

- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; Катарал стоматитга чалинган итларни текшириш натижалари оғиз бўшлиғи касалликларини эртачи босқичларда аниқлашга имкон беради, олинган маълумотлар клиник ўқитиш жараёнида қўлланиши мумкин.

Текширишларнинг асосий натижалари 2013-2014 йилларда бўлиб ўтган СамҚХИ илмий ва халқаро конференциясида тақдим этилди.

- тадқиқотнинг илмий янгилиги; - Вилоятимиздаги мавжуд кинология марказларида ва аҳоли қармоғида сақланаётган итларда стоматитларни

келтириб чиқарувчи ўзига хос минтақавий хусусиятларга эга бўлган экологик ва бошқа омиллар;

- итларда турли хилдаги катарал стоматитларнинг ўзига хос кечиш хусусиятлари;

- итларда стоматит касалликларининг тарқалиши, кечиш хусусиятлари, уларнинг эртаги диагностикаси ва клиникаси;

- катарал стоматит билан касалланган итларни даволашнинг турли усулларини қиёсий баҳолаш ва стоматит босқичларига боғлиқ ҳолда даволаш усулларининг самарадорлиги аниқлаш.

- диссертация таркибининг қисқача тавсифи; Диссертация иши 80 бетларда компьютер ёзувида берилган ва унинг таркиби 3 та бобдан иборат. Унга кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотлар объекти ва услублари, тажрибаларнинг натижалари, тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар, хулоса, амалий тавсия, 4 та жадвал вата адабиётлардан ташкил топган ва адабиётлар рўйхатидан иборат хусусий тадқиқотлар киради.

I. боб. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Итларда оғиз бўшлиғи касалликларини таснифланиши

Ит ва мушукларда оғиз бўшлиғи касалликлари жуда кўп учраб, оғир асоратларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Кейинги йилларда Россияда итларда учрайдиган оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда, аммо оғиз бўшлиғидаги пато-физиологик жараёнлар кам учраганлиги боис ва ташхис қўйиш ва даволаш ишлари яхши ишлаб чиқилмаганлиги сабабли хизмат кўрсатиш юқори савияда олиб борилмаяпти. Шунга қарамасдан ветеринария врачларининг стоматологияга бўлган қизиқиши ортиб, итларда оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш бўйича анча тажриба тўплаганлар. (Зазулевская Л.Ю, 2002; Лангле Роберт

П., Миллер Крэйг С, 2008; Пачес А.И., 2000; Персии Л.С., 2007 ; Хельвиг Э., Климек Й., Аттин Т., 1999)

Ветеринария стоматологияси—бу ҳайвонларнинг оғиз бўшлиғи касалликларини, усулларини, унинг ташхисини, даволашини ва олдини олишни ўргатадиган фандир. Бу фаннинг асосида оғиз бўшлиғининг анатомо–топографик тузилиши ва унда кечаётган физиологик жараёнларни билиш ётади. **(Cecilia Gorrel. , 2004; Frank J M., 1999; Gawor J., 2009; Gwenn Schamberger., et.al., 2010; Hale FA., 1998; Hale FA. 2005)**

Оғиз бўшлиғидаги ҳар қайси аъзо касаллигини, оғиз бўшлиғининг умумий касаллиги деб қараш лозим.

Тиш чиқишининг бузилиши тишлар ретенцияси ва ёлғон полилентия кўринишида намоён бўлади. Тишлар ретенцияси—бу патологик жараён бўлиб, бунда оғиз бўшлиғида тишларнинг бўлмаслиги, аммо жағ суягида уларнинг муртаклари бўлади. Ёлғон полилентия – бу сут тишларининг сақланиши ҳамда доимий тишларнинг ҳам шаклланиши ҳисобланади.

Бирламчи ва иккиламчи бўри оғизлик—туғма ривожланиш нуқсони бўлиб, бу юқори лабни, юқори жағнинг катакчали ўсимтасини, қаттиқ ва юмшоқ танглайни қамраб олади. Ушбу суякларнинг эмбрионал ривожланиш даврида бирикиш камчиликлари оқибатида юзага келади. Чакка пастки жағ бўғимининг дисплазияси—туғма касаллик бўлиб, бу касаллик чакка- пастки жағ бўғимларининг ва бўғимнинг юқори ҳаракатчанлиги билан характерланади ҳамда ҳайвон оғзини ёпа олмаслиги билан ажралиб туради.

Краниомандибуляр остеопатия—туғма аутосом-рецедивли касаллик бўлиб, бош суякларининг кенг қамровли шикастланиши ҳисобланиб, асосан пастки жағ ёноқ ўсимтаси зарарланади. Бу касаллик жараёнида нормал суяклар тўқималарининг даврий резорбцияси ва унинг ёш суяк ҳужайралари билан (унинг ички ва ташқи юзаси) зарарланган суяк юзаси қўшилиб кетади. Бу касаллик билан зотли ёш ит болалари яъни 3-8 ойлигида

касалланади.(**Niemiec BA., 2005; Okuda A. Asari M. Harvey CE., 1995; Paul Mitchell., 2002**)

Айрим ҳайвонларда тишларнинг аистопия, мезиодистал қийшайиш, вестибуляр қийшайиш, тишларнинг оғизнинг ички томонига қараб эгилиши, ротация каби патологиялари ҳам кўп учрайди. Аистопия—бу тиш қаторида тишларнинг нотўғри туриши, бу касаллик вестибуляр қийшайиш—тишларнинг тиш қаторларидан олдинга яъни, лунж ёки лаб томонга қийшайиши, мезиодистал қийшайиш—тишларнинг аномал қийшайиши бўлиб, бунда тишлар тиш ёйидан олдинга ёки орқада бўлади, оғизнинг ички томонига қараб эгилиш—яъни тишларнинг тиш қаторидан ичкарига тил ёки танглай томонга қараб эгилиши ва ротация—тишларнинг тескари чиқиши каби кўринишларда бўлади (**Pavlica. Z., et a I.. 2008; U Orekhova., 2004; Tholen MT., Hoft RF., 1990; Wiggs RB., 1997; Wolf. H.F., et al., 2005**).

Тишлар патологиясида унинг атрофидаги юмшоқ тўқималар ҳам шикастланиб, яллиғланишнинг турли кўринишлари намоён бўлади. Буларга гингивит—бу милк яллиғланиши бўлиб, бунда тиш –милк бутунлиги бузилмайди, пародонтитда пародонт тўқимаси яллиғланиб, бунда яллиғланиш ўзига хос табиатга эга бўлиб, периодонт деструкцияси, суяк тўқимаси, алвеоляр ўсимтада ва тиш-милк чўнтагининг ҳосил бўлиши билан характерланади.

Яллиғланишларнинг турли босқич ва кўринишлари намоён бўлиб, улар асосан қуйидаги кўринишларда қайд этилади. Биринчи босқич -гингивит босқичи фақат милкларнинг қизариши билан ҳеч қандай ўзгаришларсиз кечади, бунда пародонт бузилмаган бўлади. Иккинчи босқич-пародонтитнинг бошланғич босқичи бўлиб, милк шиллиқ қаватларининг кенг яллиғланиши ва шишнинг ҳосил бўлиши, тиш мустаҳкамлигининг 25% гача камайиши кузатилади. Учинчи босқич-ўртача пародонтит тиш мустаҳкамлигининг 25-50% гача камайиши кузатилади. Бунда пародонт чўнтаклари, тиш илдизларининг очилиб қолиши (фуркация) кузатилади. Текширганда милк

шиллик пардаси қонайди. Тўртинчи босқич –ўтиб кетган пародонтит бунда пародонт тўқималари бузилган (тиш мустаҳкамлигининг 50 и % йўқолган бўлади), чуқур пародонт чўнтаклари ҳосил бўлади, одонтоген абцесслар пайдо бўлиши мумкин. (**Cecilia Gorrel. , 2004; Frank J M ., 1999; Gawor J., 2009; Gwenn Schamberger., et.al., 2010; Hale FA., 1998; Hale FA. 2005**)

Пульпа ва периапикал тўқималарда ҳам йирингли ва йирингсиз касалликлари кўп учраб, оғир асоратларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Буларга пульпит-яъни пульпанинг яллиғланиш жараёни бўлиб, у кечишига қараб ўткир ва сурункали, ҳамда қайтар ва қайтмас бўлиши мумкин, келтириб чиқарувчи омилларга қараб септик- яъни микроорганизмларнинг пульпа бўшлиғига киришидан келиб чиқади, асептик яллиғланишлар эса пульпа бўшлиғини озиқлантирадиган нерв толасининг шикастланишидан ҳосил бўлади. Пульпит сифатли апикал периодонтити эса тиш чўққиси чегарасидаги периодонт яллиғланиши бўлиб, тиш мустаҳкамлигини алвеола катакчасида ушлаб турадиган боғламларнинг шикастланиши билан характерланади (**Pavlica. Z., et a I.. 2008; U Orekhova., 2004; Tholen MT., Hoft RF., 1990; Wiggs RB., 1997; Wolf. H.F., et al., 2005**)..

Оғиз бўшлиғининг турли хилдаги механик ва бошқа омиллар таъсирида унинг юмшоқ ва қаттиқ тўқималарида турли хилдаги яллиғланиш жараёнлари ривожланади ва оғир асоратларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Стоматит –бу оғиз бўшлиғи шиллик пардаларининг ҳар хил факторлар таъсирида келиб чиқадиган яллиғланиши бўлиб, бу асосан травматик, юқумли, аллергияк ва системали сабаблар натижасида келиб чиқади. Итларнинг ярали пародонто стоматити -бу сурункали кечадиган идиопатик касаллик бўлиб, оғиз бўшлиғи шиллик пардаларининг гиперимияси, шиш ва сўлак ажралиши билан характерланади. (**Pavlica. Z., et a I.. 2008; U Orekhova., 2004; Tholen MT., Hoft RF., 1990; Wiggs RB., 1997; Wolf. H.F., et al., 2005**).

Мушукларнинг лимфоцитар –плазмоцитар гингиво –стоматити сурункали кечадиган идиопатик касаллик бўлиб, бунда кўпроқ зотли мушукларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ҳисобланади. Бу ҳолатни кўпчилик муаллифлар плазматик ҳужайраларнинг ва эозинофилларнинг инфильтрацияси билан боғлашади, бу касаллик айрим ҳайвонларда аутоиммун табиатига эга бўлиши мумкин. **(Зазулевская Л.Ю, 2002; Лангле Роберт П., Миллер Крэйг С, 2008; Пачес А.И., 2000)**

Оғиз бўшлиғидаги патологик жараёнларининг асорати жағ суякларининг яллиғланишига сабаб бўлиши мумкин. Буларга жағ остиомиелити – яъни жағнинг суяк тўқимаси яллиғланиши касаллиги бўлиб, ҳайвон ахволининг оғирлашиши ва кўпинча организмнинг умумий интоксикацияси билан кечади. Периостит - суяк усти пардасининг ўткир ва сурункали кечадиган яллиғланиши бўлиб, одатда одонтоген кўпроқ шикаст натижасида келиб чиқади. Хейлит- бу лаб териси ва шиллиқ қаватининг яллиғланиши, глоссит эса- тил тўқималарининг яллиғланиш жараёни бўлиб, унинг структураси ва рангининг ўзгариши билан ҳарактерланади. Палантитит- қаттиқ ва юмшоқ танглай шиллиқ пардаларининг яллиғланиши бўлиб, асосан қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг механик шикастланишидан келиб чиқади. Тонзилит эса- томоқ йўлидаги бодомча безларининг турли омиллар таъсирида яллиғланиши ҳисобланади. **(Pavlica. Z., et a I.. 2008; U Orekhova., 2004; Tholen MT., Hoft RF., 1990; Wiggs RB., 1997; Wolf. H.F., et al., 2005).**

Сиалаленит-сўлак безларининг яллиғланиши, паротит -кулоқ олди сўлак безининг яллиғланиши, субмандибулит- жағ ости сўлак безининг яллиғланиши, сублингвит -тил ости сўлак безининг яллиғланиши ҳисобланади. Мушуклар эозинофил гранулёмаси (яраси)- бу ноаниқ этиологияли касаллик бўлиб, тери, тери ости шиллиқ пардаларида ва оғиз бўшлиғида инфильтратларнинг ҳосил бўлиши билан ҳарактерланади. У макрофаг (гистиоцит) тўқималаридан иборат бўлади. Чайновчи мускулларнинг миозити- бу итлар чайнаш мускулларининг яллиғланиши

бўлиб, кўпроқ катта ёшдаги зотли итлар касалланади. Бу кўпроқ аутоиммун тизимининг бузилиши оқибатида келиб чиқади. Касаллик ўткир шиш, чайнаш мускулининг яллиғланиши, сўлак ажралиши ва ҳайвоннинг қалтираши билан кечади. (Niemiec B.A., 2005; Okuda A. Asari M. Harvey C.E., 1995; Paul Mitchell., 2002).

Итларда турли хилдаги қаттиқ озуқалар ва тишларнинг қисилиши натижасида турли хилдаги тиш патологиялари келиб чиқиб, оғиз бўшлиғида турли хилдаги оғир асоратлар ривожланади. Тишларнинг патологик ишқаланиши (абразия)- бу тиш тўқимасининг механик таъсирот натижасида патологик ишқаланиши ҳисобланади. Тишнинг чиқиб кетиши эса - пародонт тўқимасининг узилиши оқибатида тишнинг тиш бўшлиғидан мажбурий чиқиб қолишига сабаб бўлади. Тиш чиқишлари яъни тўлиқ ва қисман чиқиб қолишларга бўлинади. Тишнинг синиши (фрактура)- бу травматик ҳарактердаги тиш тўқимаси бутунлигининг бузилишидир. Синишлар энгил-яъни бунда фақатгина эмал зарарланади, ўрта- эмал билан дентин зарарланади, оғир шаклида эса -тиш илдизининг дентини ва тиш тож қисми зарарланади. (Зазулевская Л.Ю, 2002; Лангле Роберт П., Миллер Крэйг С, 2008; Пачес А.И., 2000)

1.2. Итларда оғиз бўшлиғи касалликларини этиопатогенези, клиник белгилари , даволаш ва олдини олиш

Кейинги йилларда ветеринария клиник амалиётида оғиз бўшлиғида учрайдиган полидонтия, олигодонтия, тишларнинг емирилиши, милк, лунж, лаб ва бошқа касалликлар кўп учрамоқда. Кичик уй ҳайвонларида учрайдиган оғиз бўшлиғи касалликларини келтириб чиқараётган омиллар тўғрисида олимлар камроқ илмий изланишлар олиб бормоқдалар, асосан булар тўғрисида чет эл маълумотларидан фойдаланиб келинмоқда. (Бонсор С. Дж., 2007; Варганов А.И., 2001; Гусельников Е.В., 2002)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ушбу минтақавий экологик омил оғиз бўшлиғи касалликларини келиб чиқишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. (**Денни Х., 2004; Жизель Хозгуд., 2000; Лукьяновский В. А., 1998**).

Итлар ўртасида турли механик таъсуротлар натижасида тишларда пульпит кўплаб учраб, оғиз бўшлиғида оғир асоратларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда пульпитларни даволашни асосий усулларида бири уни олиб ташлашдир. Ҳозирги кунгача яллиғланган тишни терапевтик даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган, агар уни даволаш усуллари мавжуд бўлганда, касалланган тишни сақлаб қолиш имкони бўлар эди. (**Фролов В.В., 2003; Фролов В. В., 2004; Фролов В. В., 2005; Фролов В. В., 2002**).

Ҳозирги кунда бу касаллик итлар орасида 8-10% учраб, уларнинг физиологик хусусиятларига, иш қобилиятининг пасайишига ва экстерьерларининг бузилишига олиб келмоқда.

Касалланган ҳайвонлар овқатни яхши майдалай олмайди, натижада уларнинг овқат ҳазм қилиш органларида яллиғланишни ривожланишига яъни, гастрит пайдо бўлишига ва оғиз бўшлиғида стоматитлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. (**Фролов В.В., 2005; Фролов В.В., 2004 ; Фролов В. В., 2005; Фролова А. И., 2002; Baker P. J., 2001**).

Кўп ҳолларда итларда ўз фаолияти давомида оғиз бўшлиғи касалликларига кўпроқ тиш шикастланишига учраб турадилар. Бунга асосий сабаб, улар хизмат фаолияти давомида ов жараёнида, таёқчаларни ушлаш, жиноятчиларни ушлашда кўпроқ тишларни ҳаракатга келтиради ва уларнинг жароҳатланиши келиб чиқади. (**Семенов Б.С., 2003; Улитовский С.Б., 1999; Фролов В.В., 2004**).

Хизмат фаолияти давомида кўпроқ юқориги ва пастки жағлардаги кесувчи ва йиртқич (қозик) тишлари шикастланади, оқибатда оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималарида ҳам яллиғланишлар ривожланади (**Слесаренко Н.А и др .,**

2004; Слесаренко Н.А.и др.,2000; Фольмерхаус Б., Фревейн Й., 2003; Аржанцев, П.З., 1984;. Баранов А.Е., 1998).

Маълумки, кесувчи ва йиртқич тишлар ҳайвонларга ўлжадан бўлакларни олиш учун ишлатилади, бунда йиртқич тишлар пичоқ сингари ёриб ташлайди (Грудянов А.И., 2006; Гусельников Е.В., 2002; Гусельников Е.В., 1997).

Оғиз бўшлиғи касалликларини ўрганишда ҳайвонларда учрайдиган турли хилдаги юқумсиз, юқумли ва хирургик касалликларни ва улар оқибатида келиб чиқадиган асоратларни билиш керак бўлади (Гусельников Е.В., 2002; Фролов, В.В., 2004; Tutt С., 2007; Tutt С ., 2006).

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватлардаги яллиғланишлар катарал, ярали, дифтиритикк ва камроқ везикуляр ва афтали бўлади. Стоматитлар жойлашган жойига қараб локал ва диффузли, кечишига қараб эса ўткир ва сурункали , келиб чиқишига қараб эса бирламчи ва иккиламчи бўлади. ит ва мушукларда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаларининг яллиғланиши механик, термик, химик ва биологик омиллар таъсирида келиб чиқади.

<http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг механик шикастланиши итларни гўшти овқатлар таркибида ўткир суякларнинг бўлиши, шунингдек тишларнинг ҳаддан ташқари емирилиши ва нотўғри ўсиши натижасида келиб чиқади.

Бундан ташқари, оғиз бўшлиғига ўткир жисмлар таъсирида кириб борувчи жароҳатлар, ҳайвонларнинг урушган вақтида бир-бирини тишлаши натижасида ҳам яллиғланишлар келиб чиқади. Термик шикастлар иссиқ овқат, музлаган гўшт, балиқ шунингдек, совуқ сув ичганда келиб чиқади. Химиявий шикастлар эса асосан ишқор, кислота, заҳарли химиявий моддаларни сақлаш қоидалари бузилганда уларни итлар ялаган пайтда келиб чиқади. <http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Оғиз бўшлиғида яллиғланишлар бўлганда ҳайвонлар ҳолсизланади, жараённинг ривожланиш характериға қараб, итлар овқат ейишдан бош тортади, тана ҳарорати кўтарилади, ҳайвон ориқлайди. Касал ҳайвонлар

фақат юмшоқ консистенцияли овқатларни истеъмол қилади, чайнаш ҳаракатлари суст ва организмнинг умумий аҳволи кучсизланган. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардалари кўкимтир, қуруқ ва қон қуйилишлар (оғир формаси) кузатилади.

<http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Касалликка ташхис қўйиш оғиз бўшлиғини текшириш, анамнез маълумотлари ва клиник текшириш натижаларига асосланиб қўйилади. Яқунловчи диагноз қўйишда организмдаги юқумли касалликларни, тиш касалликларини, томоқ ҳамда ҳалқум касалликларини инобатга олиш керак бўлади. <http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Даволаш учун энг аввало, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасини яллиғланишини келтириб чиқарувчи сабаблар бартараф этилиши лозим. Даволашда дезинфекцияловчи ва буриштирувчи моддалардан: протарголнинг 1-5% ли, колларголнинг 2-5% ли, мис сульфатнинг 0,25-0,5% ли, рух сульфатнинг 0,2-0,5% ли, резорциннинг 1-2% ли, этакридин лактатнинг 0,1-0,2% ли, новоиманиннинг 0,01-0,1 % ли, калий перманганатнинг 0,01-0,1 % ли, фурациллиннинг 0,02-0,05% ли, натрий гидрокарбонатнинг 1-2% ли ва таниннинг 1-2% ли эритмалари буюрилади. Оғиз бўшлиғини ювиш учун йод-глицерин аралашмасининг - 1:3, спиртли календула настойкасининг – 1:10, дуб дарахти илдизи дамламасининг – 1:5, шалфей баргларининг – 1:10, мойчечак гули дамламалари тавсия этилади.

<http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Итларда стоматитларни даволашда ронколейкин препарати жуда яхши даволовчи натижа бериб, уни қўллаганда, яхши натижа асосан даволашнинг 11 кунда намоён бўлади. <http://wolcha.ru/veterinariya-specialistu/476-papillomatoznyj-stomatit-u-sobak.html>

Итларда катарал стоматит жуда кўп учраб, уларнинг асосий клиник белгиларига қизариш, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида шиш, кўп сўлак оқиши кузатилади. Кўп сўлак оқиши оқибатида оғиздаги эпителий

хужайралари шилинади, оғиздан ёқимсиз ширин ҳид келади. Бу каби шиллик қаватларнинг ўзгариши барча стоматит турлари учун асос бўлиб хизмат қилади. <http://pets.academ.org/pets/sobaki/1258>

Ит ва мушукларда аксарият кўп ҳолларда стоматит касаллиги юқумли ва юқумсиз касалликлар асорати сифатида ривожланади, аммо айрим ҳолларда ит ва мушукларнинг милки, лаби, лунжи ,танглайи, тили механик шикастланганда ҳам стоматит касаллиги ривожланиши мумкин. Бундан ташқари тиш тошлари, уларнинг кариеси ҳам оғиз бўшлиғи шиллик пардаларининг яллиғланишига олиб келади. <http://www.1s9.ru/50-stomatit-u-sobak.html>

Оғиз бўшлиғи шилиқ пардасида оғриқ кучлилиги сабабли ҳайвон овқатни эҳтиётлик билан истеъмол қилади, айрим ҳолларда эса овқатланишдан бош тортади. Шиллик парда юзаси кулранг ғубор билан қопланган бўлади. агар стоматитни келиб чиқишида тишда тўпланган тошлар сабабчи бўлса, милклар шишиб қонайди, тишлар қимирлайди, оғиздан қўланса ҳид келади. Ярали стоматитлар асосан кўпроқ пакана ва кичкина пуделларда кузатилиб, камроқ бошқа зотли итларда намоён бўлади. <http://www.1s9.ru/50-stomatit-u-sobak.html>

I. боб бўйича хулоса

Ҳамма оғиз бўшлиғи касалликларини 9 гуруҳга бўлиш мумкин: туғма патология, прикус аномалиялари, пародонт касалликлари, пульпа касаллиги ва периапикал тўқима ҳамда бошқа оғиз бўшлиғи касалликлари киради. Шикаст натижасида келиб чиқадиган касалликлар, тишларнинг деструктив касалликлари, оғиз бўшлиғи ўсмалари, оғиз бўшлиғи жароҳати организмнинг бошқа тизим касалликларининг клиник белгиси бўлиб ҳисобланади.

Тишнинг туғма патологиялари ит ва мушукларда кўп учраб оғиз бўшлиғида турли хилдаги жароҳатларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Итларда тиш сонининг бузилиши қуйидаги кўринишларда бўлади, буларга алентия – яъни тишларнинг ва тиш муртакларининг умуман бўлмаслиги, гиполентия- (олиголентия) тишларнинг нормага нисбатан кам бўлиши, геминация- иккита тиш муртакларининг шаклланиши даврида қўшилиб ўсиши ва тишлар сонининг камлиги, полилентия – тиш қаторида тишларнинг нормага нисбатан кўплиги кузатилади. (Зазулевская Л.Ю, 2002; Лангле Роберт П., Миллер Крэйг С, 2008; Пачес А.И., 2000)

Тиш ўлчамлари ва тузилиши аномалиялар макролентия ва микролентия кўринишида намоён бўлади. Тиш ҳосил бўлишининг бузилишига тугалланмаган амилогенез (эмал гипоплазияси, эмал дисплазияси)—бу тиш юқори қаватининг ривожланмай қолиши, қайсиким, эмал матриксининг тузилиши пайтида бузилиши, ёки унинг минерализациялашуви бўлиб, у тиш эмалининг гиперминерализациялашувига олиб келади. Эмал гипоплазияси маҳаллий ва системали бўлади. Бу касалликка сут ҳамда доимий тишлар чалинади.

Дентин ҳосил бўлишининг бузилиши (тугалланмаган дентиногенез ёки дентин дисплазияси) –туғма дентин аномалияси, бунда тиш бўшлиғи формасининг бузилиши ҳарактерли бўлиб, тиш илдизларининг калта бўлиши кузатилади.

II.606 АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили

2.2. Итларда оғиз бўшлиғи органлари анатомо-топографияси ва уларнинг физиологик хусусиятлари ва олдини олиш

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва итларда бош соҳасига оғиз бўшлиғи –*carum oris* унинг атрофидаги органлар: лаб, лунж, тил, милклар, тил, қаттиқ ва

юмшоқ танглай, сўлак безлари ва ҳалқум киради. Бу органлар овқатни олиб, ютишга тайёрлайди. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Лаб-labia юқorigи вапастки бўлим –*labium superior et ferior* дан иборат бўлиб, улар бир-бири билан қўшилиши натижасида оғиз тешиги –*rima oris* ни ҳосил қилади. Лабларнинг шакли турли ҳайвонларда турлича бўлиб, ҳаракати ҳам ҳар хилдир. Масалан, бир туёқли ва кавш қайтарувчи майда ҳайвонлар лаби ҳаракатчан, қорамол ва чўчқаларники кам ҳаракатли бўлади. (*Нарзиев Д.Х.,1986*)

Уларнинг бундай бўлиши анатомик тузилишига боғлиқ, қорамолларнинг юқори лабида бурун –лаб ялтироғи (кўзгуси) бўлади. Лабларнинг ташқи юзаси тери, ўрта мускул ва ички шилимшиқ пардадан иборат. Лаблар оғиз бўшлиғининг олдинги қисмини ёпиб туриш учун хизмат қилади. Терисининг устки қисмида таъсирни сезувчи жун бўлади. Лабларнинг шилимшиқ пардасида сўлак безлари –*glandula labialis* бўлиб, улар доим суюқлик ишлаб чиқариб, лабларни намлаб туради.

Итларда лаблар териси қалин туклар билан қопланган. Мушукларда кўшимча кучли сезувчи туклар яхши ривожланган бўлади. Итларнинг оғиз тешиги жуда узун бўлиб, орқа томони учинчи жағ тишига қадар чўзилган. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Баъзи итларнинг оғиз бурчаги, айниқса зотли итларда кучли осилган ҳолатда бўлади, шунинг учун ҳам уларнинг оғиз бўшлиғи катта очилади. Лабнинг вентрал чеккаси бурчагига қараб тишчалар билан қопланган.

Лабнинг шиллиқ қавати эса доим қора рангга пигментлашади. Лаб безлари кучсиз кўринади. Умумий қилиб айтганда итларнинг лаблари отларникидек ҳаракатчан эмас. Уларнинг вазифаси кўпроқ кесувчи ва қозиқ тишларнинг ёпилиб очилишини таъминлайди.

Лунж-*bucca* тузилиши жиҳатидан лабга ўхшаш бўлиб, тери мускул, шилимшиқ пардадан иборат. Лунжлар оғиз бўшлиғининг ён девори ҳисобланадўи. Уларнинг орқа қисми охирги жағ тишларгача етиб боради.

Лунжларга бир қанча юз бўлими мускуллари келиб бирлашади. Уларнинг шилимшиқ пардаси кўп қаватли эпителий билан қопланган. Лунжда сўлак безлари –*glandula bucalis* бўлиб, улар шилимшиқ пардага ҳамда мускулларга яқин жойлашади ва доим суюқлик ишлаб чиқаради. Булар юқори ва пастки сўлак безларидан иборат. Лунжнинг 3, 4, 5 –жағ тишлари рўпарасида қулоқ орқаси сўлак безининг чиқариш йўли очилади. Қорамол ва отларнинг лунжи бошқа ҳайвонларникига қараганда анча қалин бўлади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Итларнинг лунжлари қисқа ва кўп қисми шиллиқ қават билан пигментлашган. Лунж безлари одатда қозиқ тишдан то пастки тишлар чегарасигача жойлашган бўлади. лунж безининг дорзал қисмининг ҳарактерли томони шундан иборатки, ёноқ ёйи медиал қисмидан периорбитагача жойлашган бўлади. У юмалоқ тузилишга эга бўлганлиги учун орбитал (ёноқ) беи деб ном олган. Орбитал безининг тўрт- бешта йўли бўлиб, улар асосан жағ тишларининг олдига очилади, улардан биттаси жуда катта бўлади, қолганлари кичкина бўлади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Милклар-*gingiva* ҳамма тишлар илдизини ҳар томонлама ўраб олади. Милкнинг тўқималари жуда зич ва қон томирлари кўп бўлади.

Тиш- *dentis, dens, odontos* жуда қаттиқ орган бўлиб, мураккаб вазифани бажаради. Ҳайвонларда тиш бўлиб, улар яшаш шароитига қараб. Бутун эволюция даврида бир қанча шакл ўзгаришларига учраган. Палеонтологлар тишларнинг шакл ўзгаришларини ўрганиб, ҳайвонларнинг ибтидоий тарихини изоҳлаб берадилар. Ибтидоий тишлар жуда ожиз, конус шаклида бўлиб, терининг плакоид тангачаларидан келиб чиққан. Тишнинг мезенхима хужайралари кўп қаватли эпителий тўқималаридан сўрғич шаклида кўтарилиб чиқади. Сўрғичсимон ўсимтани эпидермис ҳосил қилувчи хужайралар ўраб олади ва улар *эмалобласт* дейилади. . Сўрғичсимон

ўсимтанинг ички қисмида ҳам шунга ўхшаш эпителий хужайралари бўлиб, улар *дентинобласт* дейилади. (**Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003**).

Ана шу моддалардан тишнинг устки эмаль қатлами ва ички дентин қисми пайдо бўлади. келажакда пайдо бўладиган тиш ўсимтасининг илдиз қисми цемент моддаси билан қопланади. Дастлаб чиққан тишлар жуда кучсиз бўлиб, оғиз бўшлиғида тартибсиз жойлашади. Бундай ҳолатни сувда яшовчи ҳайвонларда кўриш мумкин, чунки улар сувда эриган юмшоқ моддаларни ушлаш учун хизмат қиладию тишларнинг тез-тез алмашинуви *полифиодонтизм* дейилади. (**Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003**).

Сув ҳайвонлари куруқликка чиқиб, дағал озиқ тастеъмол қилиши натижасида юқори лаби ривожланади ҳамда тишлари мураккаблашиб мустаҳкамланади ва оғизда тартиб билан жойлашади. Тишларнинг сони камаяди, устки қисми ейиладиган бўлиб қолади. (**Нарзиев Д.Х., 1986**)

Тишлар функцияси, тузилиши ва жойлашишига қараб, курактиш, қозик тиш ва озиқга бўлинади.

Калта коронкали тишлар- конус шаклидаги қадимги тишлар мураккаблашиб, уларда милкдан чиқиб турадиган қисм, яъни коронка пайдо бўлади. тиш илдизи ва коронкаси оралиғида қалинлашган жой бўлади. (**Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003**).

Конус шаклидаги (гаплодонт) тишлар озиқни маҳкам тутиш учун хизмат қилади. Юзасида учта дўнгчаси ва битта илдизи бўлган (продонт) тишлар озиқни оғизда тутиб туради. Эзувчи юзасида бир-бирига тенг учта дўргич ва иккита илдизи бўлган (трикодонт) тишлар озиқни майдалайди. Уч туберкуляр тишларнинг учта дўнгчаси бир-бирига тенг бўлиб, учбурчак шаклда жойлашади. Бундан ташқари, 4-5-6 дўнгчали тишлар ҳам учрайди. Бундай тишлар чўчкаларда ва йиртқич ҳайвонларда бўлади. (**Нарзиев Д.Х., 1986**)

Узун коронкали тишларнинг устки юзаси бурмали бўлиб, улар бурмали (лофодонт) тишлар бўлади. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар тишининг конуси,

коронкаси ва эзувчи юзаси ой шаклида эгик бўлиб, улар чуқурчали ва йиртқич ҳайвонларда бўлади.

Оғиз бўшлиғининг олд томонидаги тишлар курак тишлар—*dentis incisiva* дейилади, улар озиқ тишни кесиб олиш учун хизмат қилади. Курак тишлар оддий тузилган, яъни битта илдиз ва коронкадан иборат. Курак тиш ҳайвонларда 6та бўлиб, 1 ҳарфи билан белгиланади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Озиқ, яъни йиртқич тишлар—*dentis canini* анча ривожланган, бўйи узун, ўткир, илдизи битта бўлади. Бу тиш озиқни йиртиб ёриш учун, ёввойи чўчка каби баъзи ҳайвонларда ҳимоя вазифасини бажаради. Бу тиш жағнинг бир томонида биттадан бўлиб, С ҳарфи билан белгиланади. Жағ тишлар ҳар томонда 6тадан бўлиб, иккига (кичик ва катта тишларга) бўлинади.

Кичик жағ тишлар—*dentis praemolaris* юзаси нотекис бўлиб, улар озиқни эзиб беради. Кичик жағ тишлар оғиз бўшлиғининг олдинги томонида 3тадан жойлашган, улар Р ҳарфи билан белгиланади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Катта жағ тишлар—*dentis molaris* кенг ва яхши ривожланган, уларни озиқни чайнаб, майдалаб беради. Катта жағ тишлар ҳар томонда 3тадан жойлашган бўлиб, М ҳарфи билан белгиланади.

Итларнинг тишлари асосан тишлилар типига мансуб бўлади. Тиш бўйинчаси кўринарли бўлиб, тиш тож қисмининг белбоғчаси ажралиб туради, унда кўп миқдордаги тишчалар жойлашади.

Итларда 32 та сут тишлари бўлиб, шулардан 12 таси кесувчи, 4 таси қозик ва 16 таси озиқ тишлардан иборат бўлади.

Кесувчи сут тишлари ҳар қайси қаторда олтидан жойлашади.

Доимий кесувчи тишлар – оппоқ рангда бўлиб, бир илдизли, тиш бўйни ва тиш тожи бўлиб, у ўз навбатида учта тиш қиррачаларидан иборат, шулардан ўртадагиси яхши ривожланган. Кесувчи тишларининг катталиги олд томондан чеккасига қараб катталашиб боради.

Итларнинг доимий жағ тишлари юқорида 12 та, пастки жағда эса 14 тадан бўлади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Тил—lingua (glossa) мускул орган бўлиб, оғиз бўшлиғида жойлашади. Тил ҳаракатчан бўлиб, озиқни чайнашда, мазасини билишда, сув ичишда муҳим рол ўйнайди. Тилнинг атрофини бир қанча органлар : тиш, лунж, лаблар, танглай чегаралаб туради.

Тилнинг ҳаракатга келтиришда, асосан , икки хил мускул: тилнинг ўз мускули ва тил ости суягининг мускули қатнашади. Тилнинг устки юзасини ўраб турадиган шилимшиқ парда кўп қаватли ясси эпителий мугузлашган бўлади. (*Нарзиев Д.Х., 1986*)

Ҳайвонлар тили қуйидаги қисмларга бўлади: а) томоққа яқин жойда туби-radix linguae, б) танаси-corpus linguae, тананинг устки юзаси-dorsum linguae икки ён қисми бор; в) учки қисми-apex lingual бўлади. Тилнинг устки томондаги шилимшиқ пардадан бир қанча сўрғич бўртиб чиқади, улар ипсимон, замбуруғсимон, конуссимон, новсимон ва баргсимон бўлади. Ипсимон ва конуссимон сўрғичлар кавш қайтарувчиларда механик функция бажариб, қолганлари озиқнинг таъмини билиш учун хизмат қилади.

1. Ипсимон сўрғичлар-rapillae filiformes тилнинг бутун устки юзаси , қисман, ён томонларида жойлашиб, жуда майда ва кўп, бахмал тукига ўхшаш бўлади.
2. Конуссимон сўрғичлар- rapillae conicae тил илдизида жойлашади.
3. Замбуруғсимон сўрғичлар- rapillae fungiformes тилнинг ипсимон сўрғичлари орасида жойлашади.
4. Новсимон сўрғичлар- rapillae valatae s. circum vallatae тилнинг илдиз қисмида жойлашиб, анчагина йирик бўлади.
5. Баргсимон сўрғичлар- rapillae foliatae анчагина кўтарилган, яхши ривожланган ва бир қанча тарамларга бўлинган бўлади. тил илдизининг шилимшиқ пардаси ичида суюқлик ишлаб чиқарадиган безлар-glandula salivales lingualis бўлиб, тешикларга яхши кўриниб туради. Тешиклар оралиғида бодомсимон чуқурчалар –facucllae tonsillaris бўлиб, улар

деворида лимфоид хужайралар тўплами бор, булар тил бодоми –*tonsilla lingualis* и ҳосил қилади.

Тил мускули-*m. lingualis* тилдан узунасига, кўндалангига ва тиккасига ўтади. Тил ён мускули-*m. styloglossus* унинг ён қисмида жойлашиб, тил ости суяги катта шохининг олдинги қисмидан бошланиб, тилнинг учига боради. Бу мускул тилни ички томонга тортиш ва ёнга буриш учун хизмат қилади.

Тилнинг асосий мускули- *m. basseglossus* тил ости суягининг танасидан бошланиб, тилнинг йўғонлашган қисмида тамом бўлади. Бу мускул қисгарганда тил ости томонга тортилади ва қалинлашади. **(Нарзиев Д.Х.,1986)**

Ияк ости тил мускули-*m. genioiglossus* пастки жағ суягининг ияк брчагидан бошланиб, тилнинг танасида ва учига тамом бўлади.

Тил ҳар хил ҳайвонларда турлича бўлади. Чўчқалар тили узун, ингичка, учлироқ бўлиб, унда таъм биладиган сўрғичларнинг ҳаммаси учрайди. Қорамол ва қорақўл қўйлар тилининг юзаси анча қалинлашган бўлиб, ёстикча ҳосил қилади, ипсимон сўрғичлари мугузлашган, дағал ва баргсимон сўрғичи бўлмайди. Бир туёқли ҳайвонларда тил сўрғичларининг ҳаммаси яхши ривожланган бўлади.

Тил эмбрионал тараққиёти даврида оғиз бўшлиғининг тубида шилимшиқ бурма шаклида пайдо бўлади. ҳайвонлар сувдан қуруқликка чиқиши билан тил анчагина ўзгаради, унда махсус мускуллар, сўрғичлар ва лимфоидлар ҳосил бўлиб, мураккаб орган ҳолаеига киради. **(Нарзиев Д.Х.,1986)**

Итларда тил –кенг, ясси, қирралари ўткир бўлиб, унинг ўрта саггитал чизиғидан яхши ривожланмаган тил ариқчаси ўтади (*sulcus medianus linguae*).

Итлар тилида ипсимон сўрғичлар қалин жойлашади. Улар юмшоқ, ингичка шаклда бўлиб, учки қисми орқага йўналган бўлади. Тил асосида ипсимон сўрғичлар узун, мушукларда эса бу сўрғичларнинг учки қисми узунроқ мугузланган шаклда бўлади. Замбуруғсимон сўрғичлар итлар тилининг ташқи елка қисмида жойлашади. Бу сўрғичлар тил қирраларида қатор

жойлашган бўлиб аниқ билинади. Валиксимон сўрғичлар иккита ёки учта бўлиб, тил илдизининг ҳар томонида жойлашади. Тил асосининг пастки юзасига яқин қисмида мускул тўқималарга ўралган тил тоғайи (lyussa) дан иборат. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003*).

Қаттиқ танглай – palatum durum танглай суягига ёпишган бўлиб, оғиз бўшлиғининг гумбази ҳолатида жойлашади. Қаттиқ танглайнинг шилимшиқ пардаси кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган. Унинг ўртасидан танглай чоки ўтади. Танглайнинг шилимшиқ пардаси бир қанча кўндаланг ғовлар ҳосил қилади. Ҳар хил ҳайвонларда уларнинг сони турлича, масалан, кавш қайтарувчиларда 15-20 , чўчкаларда 20-32, итларда 9 тагача, отларда 16-18 та бўлади. (*Нарзиев Д.Х., 1986*)

Итларнинг қаттиқ танглайи кесувчи жағ тишлари йўналишига қараб кенгайиб боради. Алоҳида қисмлари пигментлашган бўлиб, 9-10та силлиқ яримойсимон эгилган танглай бўртиқларидан иборат бўлади. ўрта саггитал чизиғида танглай чоки аниқ кўринади. Биринчи танглай бўртиғининг олд томонида учбурчак шаклдаги айлана бурчакли кесувчи жағ сўрғичлари бўлиб, ҳар икки томондан бурун-танглай каналига очилади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И. 2003*).

Юмшоқ танглай- palatum molle, яъни танглай пардаси –velum palatinum мускул пардасидан иборат бўлиб, қаттиқ танглайдан ҳиқилдоқ томонга осилиб тушиб туради. Унинг орқа қисми танглай ёйи –arcus palatines томони эса қисқа ёриқча –isthmus francium ҳосил қилади. Юмшоқ танглайнинг шилимшиқ пардаси тилнинг устки томонига ўтиб, танглай-тил ёйи –arcus glossopalatinus ҳосил қилади. Юмшоқ танглайнинг шилимшиқ пардаси кўп қаватли эпителий билан қопланган. Бу пардада сероз (суюқлик) безлари бўлиб, улар доим суюқлик чиқариб, парда устини намлаб туради. Юмшоқ танглай ҳаракатланишда қуйидаги мускуллар қатнашади.

Итлар юмшоқ танглайининг ички қисми тил илдизи ёнигача давом этиб, эркин қирралари тил –ҳиқилдоқ бурамасигача етиб бормайди. Юмшоқ

танглайнинг оғиз бўшлиғи томонидаги шиллиқ пардаси алоҳида қисмлари пигментлашган.

Оғиз бўшлиғидаги жағ соҳасида билинмас тил ости зигилсимон ўсмачадан иборат бўлади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Танглай мускули-m. palatinus буруннинг ички тешиги (хоана) четига ёпишиб туради. Бу мускул овқатни ютиш вақтида танглай пардасини анча қисқартиради.

Танглай пардасини кўтарувчи мускул-m. levator v. palatine қулоқ суягининг мускул ўсимтасидан бошланади ва бош суяги асосидан ўтиб, танглай пардаси ўртасида тугайди. Бу мускул овқатни ютиш вақтида юқорига кўтарилиб, бурун тешиги томонини ёпади. (*Нарзиев Д.Х., 1986*)

Танглай бодомчаси-tonsilla palatina бир қанча лимфа тугунчалари йиғиндисидан ва шилимшиқ безчалардан иборат бўлиб, бодомсимон чуқурча деворида жойлашади. Бодомча турли ҳайвонларда ҳар хил шаклда бўлади. чўчкаларда танглай пардаси калта ва йўғон, бодомча тоқ ва бир қанча бодомсимон чуқурчадан иборат. Кавш қайтарувчи ҳайвонларда танглай пардаси ҳикилдоқ усти тоғайигача етиб боради. Шунинг учун ҳам отлар оғзи орқали нафас ололмайди. Отларда жуфт ва тоқ бодомчалар бўлади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Сўлак безлари-glandulae salivales ўтхўр ҳайвонларда қуруқ овқатни ивитиш учун хизмат қилади. Лаб, лунж безларидан ташқари, оғиз бўшлиғининг деворидан узокроқда донатор шаклли уч хил йирик сўлак беи бор. Бу безлар уст томондан бириктирувчи тўқима пардаси билан ўралган, ички томонга юпкапарда ўтиб, уларни бир қанча доначаларга бўлади. без найчаларининг охирги томони ва алвеолалар сўлак ишловчи қисмларни, уларнинг бир нечтаси қўшилиб эса чиқариш йўлини ҳосил қилади. Бу йўл оғиз бўшлиғининг маълум бир жойига очилади. (*Нарзиев Д.Х., 1986*)

Қулоқ олди сўлак беи- glandula parotis сўлак безларининг энг йиригидир. Бу без қулоқ супрасининг остида пастки жағнинг орқа қисми билан атлант

оралиғида қуйи томонга чўзилган ҳолда жойлашади. Бу без сероз суюқлиги ажратади. Безнинг 3-4 та йирик йщли бирлашиб, бита ката йўл-ductus parotideus ни ҳосил қилади. Бу йўл пастки жағ суягининг ўрта юзасидан лунж томон ўтиб, юқориги 3-5 жағ тишнинг рўпарасида кичик бўртиқ –papilla salivalis ни ҳосил қилиб, оғиз бўшлиғига очилади. **(Нарзиев Д.Х.,1986)**

Жағ ости бези- glandula mandibularis катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради, у пастки жағнинг остроғида, икки қоринли ва қанотсимон мускуллар орасида туради. Бу без узунроқ бўлиб, орқа қисми атлантнинг олдинги чуқурига, олд томони эса тил ости суягининг кичик шохли танасига бирлашган жойигача етиб боради. Жағ ости безининг чиқариш йўли- ductus submaxillaris унинг олдинроқ қисмидан бошланиб, жағлараро мускул оралиғидан ўтади ва тил ости сўлак безининг ички юзасидан бори, тил ости чуқурчаси яқинида оғиз бўшлиғига очилади. **(Климов А.Ф., Акаевский А.И.,2003).**

Тил ости бези- glandula sublingalis- ҳажми жиҳатдан учинчи ўринда туради, у оғиз бўшлиғининг пастки қисмида, тил ости бурмасининг шилимшиқ пардаси остида жойлашиб, иккита: олдинги- қисқа йўлли ва кейинги- узун йўлли безларга бўлинади. Қисқа йўлли без- glandula parvicanalalis тил ён мускулининг ички юзасида жойлашади. Унинг 30 га яқин қисқа каналчалари ductus sublingalis minoris тилнинг остки қисмга очилади. Узун йўлли без- glandula sublingalis grandicanalis узун найчалар ductus sublingalis major билан тил ости бўртиқчасига очилади.

Ҳалқум – pharynx о-из бщшли-ининг юқори қисмидаги мураккаб орган бўлиб, озиқ моддаларни қизилўнгачга ўтказишда қатнашади. У бурун бўшлиғини ҳиқилдоқ билан ҳам қўшади. Ҳалқум овқат йўли билан ҳаво йўли кесишадиган жойда бўлади. **(Нарзиев Д.Х.,1986)**

Ҳалқумда еттита тешиқ: иккитаси ўрта қулоқдан –эшитиш йўли –ostium tubae auditivae, иккитаси бурун бўшлиғидан-ҳаво йўли ва ҳиқилдоқдан, оғиз бўшлиғи ва ҳиқилдоқдан очилади.

Ҳалқумнинг ички юзаси шилимшиқ парда билан қопланган, унинг тагида мускуллар жойлашган, мускулларни ташқи ва ички фасциялар ўраб туради, улар устида бириктирувчи сийрак тўқималар бўлиб, мускуллар ана шу тўқималар орқали қўшни органларга қўшилади. Ҳалқумнинг шилимшиқ пардаси деворида майда безлар ва тўқималари бўлиб, улар бодом-tonsilla pharyngea ни ҳосил қилади. Бодом қулоққа очилувчи тешик яқинида бўлади. Ҳалқум деворининг мускуллари кўндаланг- мускуллар бўлиб, уч жуфт : олдинги, кейинги ва ўрта қисувчи мускулларга бўлинади. (*Климов А.Ф., Акаевский А.И., 2003*).

Итларнинг таянч- ҳаракат органлари скелет суякларидан, бўғимлардан, боғламлардан ва мускул тўқималаридан иборат бўлади. Уларнинг скелет суяклари 271-282 та суякларнинг бирикишидан (умуртқа суяклари 50-53; қовурғалар 25-26; кўкрак қафаси суяклари 8; бош суяги 31; олдинги оёқ суяклари 80; тос суяклари ёки каудал оёқлари 80) тузилган. Суякларининг бўшлиғи суяк илиги (мияси) билан тўлган бўлиб, бутун тана вазнининг 4,6% ини ташкил қилади. Қуриган ҳолда скелет суяклари ит тана оғирлигининг 8,5% ига етади. (*Шалимов С.А., Радзиховский А.П., Кейсевич Л.В., 1989*).

В.Н. Жеденовнинг маълумот беришча, янги суякда 50% сув, 12,4% гача оссеин (коллаген), 15,75% гача ёғ ва 21,85% минерал моддалар (85% калций фосфат, 9% калций карбонат, 3% калций фторид, 1,5% гача магний фосфат, 0,5% натрий хлор ва 1% калий хлор) дан иборат бўлади.

Шалимов С.А. ва бошқалар (1989) маълумот беришча ҳайвон суягида суяк илигининг улуши 30,5% ни ташкил этади, бу эса ҳайвон тана вазнининг 3,2% ига тўғри келади ёки 162-300 гр (ўртача 217), 70% миқдори ёки 152 гр (113-156 гр), қизил илик ҳисобига, 20% и ёки 41 гр (32-53гр) сариқ суяк илиги улушига ҳамда 10% и ёки 30 гр (19-50 гр) аралаш суяк иликлари зиммасига тўғри келади.

Итларнинг силлиқ мускул тўқимаси ҳайвон тана оғирлигининг 8% ни ташкил қилади. Кўндаланг тарғил мускули эса тана оғирлигининг 40% ини,

шундан 200-250 жуфт ва тоқ мускул толаларидан тузилган бўлади. У 72-80% сув, 20-26% органик моддалар (20 % оксил, 0,4%экстрактив моддалар, 0,6% углевод, 0,8% липид-фосфалид ва холестерин ҳамда 2% ёғлар) ва 1-15%неорганик моддалардан тузилган бўлади (**Жеденов В.Н., 1958**) .

Итларнинг териси одатда зич ва бир қанча бириктирувчи тўқима билан юза фасция бирлашиб кетган бўлади. У қалин жун билан қопланган бўлиб, камроқ (асосан калта жунли итларда) тоснинг медиал юзаси ва қорин деворида ги териларда бўлади. итлар терисида жуда яхши ривожланган тер безлари бўлади. Кўпгина муаллифларнинг маълумот беришича, итларнинг тер безлари фақатгина юмшоқ товон ва бурун атрофида бўлади дейишган, аммо, **А.Зейферт** таъкидлашича, итлар терисида жуда кўп қулупнайсимон тер безлари бор, аммо улар вазифа бажармайди, юқоридагилар бундан мустаснодир. Ит жуда кўп ва узок чопганда ҳам тер ажралиши кам миқдорда бўлади, терморегуляция – ўпкаларнинг вентилияцияси ҳисобига амалга ошади.

Тер суюқлиги ўрнида, жуда кўп суюқлик оғиз бўшлиғида ажралади ва кўп миқдорда сўлак кўринишида тилдан оқиб тушади.

Итларнинг умумий қон миқдорлари тана вазнининг 1/13 қисмини ташкил қилади. Улар 25% қонининг йўқотилиши ҳеч қандай , яъни артериал босимнинг ўзгариши юз бермайди, агарда 50-60% қон йўқотилса , итлар ҳаётига хавф солади, лекин бу ҳолатни аксарият итлар ҳеч қандай муолажаларсиз яхши ўтказади (**Жеденов В.Н., 1958**).

Бир дақиқада 100 гр қон ички органлардан: ошқозондан – 21см куб, жигардан- 25 см куб, буйраклардан – 56 см куб, талокдан – 58 см куб, сўлак безларидан- 76 см куб ва гавданинг ўзидан эса - 8,8 см куб миқдорида айланиб чиқади. (**Шалимов С.А., Радзиховский А.П., Кейсевич Л.В., 1989**).

Айрим муаллифларнинг таъкидлашича, зотсиз итларнинг периферик қон таркиби қуйидагича: эритроцитлар- $5,3 \cdot 10^{12}$ - $6,7 \cdot 10^{12}$ л, лейкоцитлар $8,7 \cdot 10^9$ - $16,8 \cdot 10^9$ л, ёш нейтрофиллар 0-1,7%, таёқча ядроли нейтрофиллар

4,5-23,7%, сегмент ядроли нейтрофиллар 21,3-60,5% , лимфоцитлар 3,1-20,5% , моноцитлар 4,1-10,5% , эозинофиллар 0-6,5%, базофиллар 0,0 -1,2% , тромбоцитлар 49-310минг мм куб, ретикулоцитлар 0,0-0,6% , рангли кўрсаткич 0,4-0,6, ЭЧТ 6,0-15,0 мм/с, гематоркрит 45-53%, гемоглобин эса 115-176 гр/л га тенг бўлади.

Итларнинг бош мияси бир қатор ривожланган иккала ярим шарларда ҳам бурма ва эгилган арикчалардан иборат бўлади. Унинг абсолют массаси ўртача 66-138 гр, айрим ҳолларда 32-180 гр га етади, бу эса тана вазнининг 0,3-1% ни ташкил этади. **(Шалимов С.А., Радзиховский А.П., Кейсевич Л.В., 1989).**

Итларнинг овқат ҳазм қилиш органлари сўлак безлари, қизилўнгач, ошқозон, ингичка ва йўғон ичаклар , жигар, ошқозон ости безларидан иборат бўлади. Озуқаларнинг итларнинг ошқозон канали бўйлаб ҳаракатланиши 12-15соат давомида юзага чиқади **(Жеденов В.Н., 1958).**

Йўғон ичагининг умумий узунлиги 0,45м, шундан кўричак 0,05м (11,1%), чамбар ичак 0,1м (22,2%) га етади. У тузилиши жиҳатидан одамнинг йўғон ичаги тузилишига яқинроқ бўлади. Жигари 5-6 бўлакдан иборат бўлиб, улар ҳар қайсиси алоҳида оёқчасига эга бўлиб, у дарвоза вена шохларидан , жигар артерияси ва ўт ишлаб чиқарувчи йўлдан ташкил топади.

Жигарининг оғирлиги 127-1350гр ёки ҳайвон тана вазнининг 2,8-3,4% ини ташкил этади. Ўт халтасининг узунлиги 4-10см бўлиб, туби билан жигарнинг вентрал чеккасига чиқиб туради, қорин соҳасига яъни қорин девори вентрал юзасига тегиб туради. **(Шалимов С.А., Радзиховский А.П., Кейсевич Л.В., 1989).**

Г.Д. Мишнинг маълумот беришича, 100мл ошқозон суюқлигида 57,3 мг мукопротеин, 38 мг глюкозамин, 101мг сиал кислотаси дифениламин реакцияси ёки Эрлих реакцияси бўйича ҳисобланади. Унинг протеолитик фаоллиги 50 градусли спирт юборилганда 1500/100мл, пепсиннинг протеолитик фаоллиги эса 3310/100мл га етади.

2.2. Самарқанд вилояти хизмат итларини сақланиши, озиқланиши, умумий дрессировкаси ва уларда оғиз бўшлиғи касалликларининг учраш даражаси

2.2.1.Хизмат итларини сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси

Итларни сақланиши, озиқланиши ва умумий дрессировкаси ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди. Итларни сақлаш учун хоналарни куришда, улар у ерда вақтининг кўп қисмини ўтказишини инобатга олиш лозим. Шунинг учун хоналар бир катор талабларга жавоб беришлари керак: итларни ёмғир, шамол, чанг, қиш совуғи ва ёз иссиғидан ҳимоя қилиш, бегона одамлар, дайди ва ёвойи ҳайвонлар ҳамда кучли шовқинлардан (ўтаётган автомобиллар ва бошқ-) ҳимоя қилиш. Хоналар атроф ердан баландроқ ва қуруқ, одамлар яшайдиган, чорвачилик ва хўжалик қурилмалардан йироқроқ жойларда қурилиши лозим. Хоналар етарлича кенг, қуруқ, ёруқ, ҳавоси тоза бўлиши керак. Шамол, чанг ва куёш нурлари таъсиридан ҳаддан зиёд қизиб кетишидан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофида кўкаламзорлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бир гуруҳ итларни сақлаш учун мўлжалланган жой юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бериши керак ҳамда уни баландлиги 2 м дан кам бўлмаган девор билан ўраш лозим. Агар итлар сони кўп бўлмаса ва ер майдони кичик бўлса, деворда эшик колдирилади, акс ҳолда дарвоза қурилади. Уларга ишончли қулф қўйилиб доим ёпиқ туришлари керак.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида итларни сақлаш учун махсус жойлар - кабиналарга бўлинган павильонлар қурилган. Кабина ҳар бир итга алоҳида мўлжалланган бўлиб унга усти очик яйраш майдонча (вольер) бирикиб турибди. Кабинанинг узунлиги 2 м, эни 1,5 м, олд деворининг баландлиги 2-2.5 м, орқа деворники 1,5-2 м; кабина эшигининг баландлиги 1,7 м. эни 0.7 м . Эшик ташқарига очилади. Кабинага ёруғлик тушиш учун, унинг устида ойнаванд ром қўйилган. Эшикнинг пастки қисмида, вольерга чиқиш учун, 40х50 см ли туйнук бор. Ёзда туйнук очик туради, қишда эса брезент билан ёпилади.

Вольернинг узунлиги 3 м, эни 2 м, баландлиги 2,2 м . Вольерлар ораси, баландлиги 2,2 м келадиган девор билан ёпилган. Вольернинг олд қисмида эшик ясалган, унинг баландлиги 1,8 м эни 0,7 м . Эшик ичкарига очилади. Ҳар бир кабина ичида будка қурилган. Будка туйнугининг ўлчамлари 40х50 см га тенг . Унинг томи ясси, силлиқ , чунки итлар ёз фаслида унинг устига чиқиб ётишга мослаштирилган. Совуқ тушганда будканинг ичига сомон, хашак ёки ёғоч қириндисидан тўшама тўшалади. Павильонлар ғиштдан қурилган. Вольерларнинг ён деворлари ғиштдан, олд девори ва эшиги эса темир панжарадан ясалган. Кабина ва вольер поллари ғиштдан ясалган. Итларни шамоллашдан асраш мақсадида кабиналарга 1х1,6 м катталиқда ёғоч шитлар ётқизилган. Вольернинг олд томонидан, 4-5 м нарироқда, баландлиги 35-40 см келадиган устунчалар ерга кўмиб қўйилган. Уларга итлар тозаланганда боғлаб қўйилади. Устунчанинг устига диаметри 20-25 см келадиган ёғоч майдонча қокиб ўрнатилган. Унга ит тозалаш пайтида

Ўзининг олд оёқларини қўйиб туради. Устунчаларнинг ораси 3 м дан кам эмас. Итларни кўпайтириш ва ит болаларни ўстириш учун мўлжалланган питомникларда ундан ташқари туғиш, ит болаларни сақлаш, итларни ювиш ва овқат пишириш хоналари бор. Питомникда ветеринар лабораторияси ,амбулатория ва стационар қурилган.

Айрим зотли итларни жуни олинади - олдин курак усти, елкаси, бўйни, боши, кўкраги ва охирида оёқларининг жуни олинади. Жунни олиш асосан баҳорда иссиқ пайтлари амалга оширилади. Итларнинг тирноқлари ўсиб кетса юришга ҳалақит беради. Шунинг учун тирноқларнинг учлари кесилади. Айрим зотли итларнинг қулоқлари, думлари кесилади. Итларни кандай усулда сақлаш боқишдан қатъий назар улар яйратилиши зарур. Улар кунига камида 2-3 марта 30-40 дақиқа давомида тоза ҳавода яйратилиши лозим.

Яйраш майдони узунлиги 3 м., эни 2 м баландлиги 2,2 м бўлиб майдонлар оралиғи тўлиқ ёпиқ тўсиқ билан баланлиги 2,2 м қилиб ўралади. Ердан деворнинг 0,75м баландлиги ёғоч билан қолгани 1,25 м метал тўр билан ўралади, итлар яйраш майдонига ўтмаслиги учун тўсиқларни пастки қисми 0,5 м чуқурликда ерга кўмилади. Майдонни олдинги қисмига 1,8х0,7 м ли маҳкам жойлаштирилган эшик ўрнатилади. Эшик ичкарига қараб очилади. Ҳар бир кабинага йиғиштириб олинадиган узунлиги 1 м кенглиги 0,9 м ва баланлиги 0,8 м бўлган кичик уйчалар ўрнатилади. Уйчанинг туйниги 0,4х0,5 м бўлади. Томи текс бўлиб атрофии тахта билан ўралган бўлиб олинадиган бўлиши керак. Ёзда итлар томнинг устида ётади. Шунинг учун уйча салқин жойга ўрнатилиши керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Итларни тозалаш учун тароқ, қашлагич, тоза матолар қўлланилади. Тозалаш учун итларнинг чап томонидан туриб, олдин боши, бўйни, танаси, думи ва оёқлари тозаланади. Сўнггра шундай тартибда қашлагич унг кўлда ушланиб, чап кўлда эса тароқ ушланади. Итлар жуда кирлаган бўлса уни олдин похол ёки хашак тозалагич билан тозаланади. Юмшоқ жунли

итларда бундай тозалаш жуда осон бўлади. Уларни териси ҳар куни патли сочиқ билан артилади. Ҳафтасига итларни икки марта тароқ билан тозаланилади. Тозалаш итларни жунларини ўсишига қараб ва аксинча утказилади. Улар тозалангандан кейин териси нам сочиқ билан артилади. Сочикни кирланишига қараб уни ювиб сувини сиқиб артиш давом эттирилади. Итларнинг кўзи ва кўлоқларини тоза мато ёки пахтали тампон билан артилади. Танасининг юмшоқ терилари кўлоғининг орқаси, тос оралиқларини тозалаш учун юмшоқ силлиқ қашлагичлардан фойдаланилади. Териси нозик бўлгани учун уларни жароҳатланишига йўл қўймасдан ойига бир ёки икки марта тозаланади. Тез кўзғалувчи (жаҳлдор) итларни тозалашга аста секин ўргатилади. Итларни ишлатгандан кейин тезда ёки овқат еяётган пайтда тозалаш мумкин эмас. Итлар чўмилтирилгандан кейин бўйнидан боғлаб то танаси куриганча яйратилади. Жуни кам ўсган итларни териси тароқ ва қашлагичлар билан тозаланиб турилади. Уларни тирноқлари ўсиб кетган бўлса юришига ҳалақит бермаслиги учун тирноқлари олинади ёки эгов билан текисланади. Кўпчилик ит зотларининг кўлоқлари ва думларига шакл берилади. Бу жараён ветеринария мутахассислари томонидан ветеринария даволаш пунктларида амалга оширилади. Пудель зотли итларнинг жуни олинади, соғлом бошқа зотли итларни жунини қирқиш тавсия этилмайди. Фокстер зотли итларнинг жуни қаттиқ бўлгани учун юлиб олинади. Бир йилда жуннинг ўсишига қараб 3-4 марта итлар жуни олинади.

Хизмат сафаридаги итлар ўзларига беркитилган одамлар билан сақланади. Дала шароитларида улар учун чайлалар, енгил типдаги соябонлар ўрнатилади. Иссиқ пайтлари итларни дарахт соясига, куёш нурларидан пана жойларга жойлаштириб, куёш нурларининг тўғридан тўғри тушиши, шамол ёки ёмғирдан сақланади. Совуқдан сақлаш учун уларнинг танасига попонлар кизгизилиб остига тўшамалар тўшалади. (Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003; С.Н. Хохрин, 2001).

Шаҳар жойларида итларни кўчаларда боғловсиз колдириш, улар билан бирга савдо дўконларига, ошхоналарга, медицина корхоналарига ва бошқа иш жойларига кириши таъқиқланади. Уларни одамлар яшайдиган жойларга олиб чиқиш учун калта боғлаб, бурундик кийгизилади. Ит эгасининг ёнида унинг тезагини олиш учун хокандоз ва халтача бўлиши керак.

Итлар темир, автомобил, хаво ва сув йўллари орқали ташилади. Бунинг учун итлар ветеринария даволаш муассасаларида текширилади. Итнинг эгасида итнинг паспорти ва ветеринария гувоҳномаси бўлиб, унда итнинг соғломлиги, турли юқумли касалликларга қарши эмланганлиги кўрсатилган бўлади. Касал итларни ташиш мумкин эмас. Шаҳар транспортларида итларни олиб юриш таъқиқланади. Узоқ йўлларга ташилганда 12 соатдан кейин махсус ажратилган жойларда озиклантириш амалга оширилиб, автоуловларда ташишдан 3 соат олдин итлар озиклантирилиб, жўнатишдан 1-1,5 соат олдин яйратилади. Узоқ масофагаташилгандан кейин итларга узоқ муддатли дам берилади. **(Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).**

Итларни ташишдан 6 соат олдин озиклантирилади ва яйратилади. Йўл давомида ҳар хил стрессларни олдини олиш мақсадида уларга таниш бўлган ўйинчоқлар берилади. Улар профлатик кўрикдаи ўтказилиб эмланади. Чет элга кетадиган итлар учун ҳужжатлар тайерланиб ветеринария врачининг маълумотномаси, кутириш касаллигига қарши эмланганлиги кўрсатилиши керак.

Итларни иўйимлилик моддаларга бўлган талаб, наслий, жинсий,ёшига ва бошқа фарқларига қараб аниқланиб, тирик вазни (итнинг ката-кичиклиги) мускул фаолияти, зоти, физиологик ҳолати, сақлаш шароитига қараб белгиланади. Итларнинг энергияга бўлган талаби асосан гавдасининг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Жуда майда зотли тирик вазни 1-5 кг бўлган итларга танасининг 1 кг оғирлиги учун ўртача 460 кдж, кичик зотли (5- 10 кг) 350 кдж, ўртача вазндаги зотли (10-20 кг) 200 мдж, йирик зотли (28-80кг)-250 кдж, жуда йирик зотли (30 кг ва ундан зиёд)-220 кдж.

Курук, мускулли итлар ҳаётий жараён учун нозик кониститутцияларга нисбатан энергия кўп сарфлайди. Тез қузғаладиган итлар флегматикларга нисбатан энергияни кўп талаб қилади. Наслли итларда туғиш даврида тайёргарлик кўриш вақтида энергияга бўлган талаб 25% га, қанчиқларда бўғозликнинг иккинчи ярмида -50%, сут эмизувчиларда қариб-2 баробар, хизматчи итларда -30%га, тинч турган даврига нисбатдан ошади. Кучукбачаларнинг энергияга бўлган талаби ёшига боғлиқ бўлади. 1 кг тирик вазнига 1,5-3.0 ойликда 970 кдж, 3-5 ойликда 710 кдж, 5-8 ойлик - 520 кдж, 8-13 ойлик - 420 кдж. **(Б.С.Салимов ва бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).**

Оқсилга бўлган талаб катта ёшдагиларда 1 кг тирик вазнига 4,5 г, ёш итларники 9г. Бу талаб наслли итларда эркакларида - 30 % га бўғоз итларда - 20 - 50 % кайси даврда туғишига қараб, сут эмизадиганларда сут беришнинг бошланғич 2 ҳафтасида 50 % га, 3-5 ҳафтасида -70 %, хизматчи итларда - 50 % ошади тинч турган итларга нисбатдан. Ёнга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига ката ёшдагиларда ўртача 1,3 г, ёш итларга 2,6 г. Наслли итларда 10-15 %, хизматчи итларда 15 % га ошади. Енгил ҳазмланувчи углеводларга бўлган талаб 1 кг тирик вазнига катта ёшдагиларда 10г, ёш итларга 15,8 г. Наслли ва хизматчи итларда 10-15 % ошади. **(Б.С.Салимов ва бош.,2010)**

Клетчаткага бўлган талаб катта ёшдагиларда ўртача 1 г, ёш итларга 1,5 г 1 кг тирик вазнига туғри келади.

Эркак итларни физиологик ҳолатига тинч туриш (яъни фойдаланмайдиган давр) қочиришга тайёрлаш ва қочиш даврига қараб озиклантирилади. Итларнинг озиклантириш хусусияти уруғнинг миқдори ва

сифати билан белгиланади. Итлар ҳар бир қўшилганда уртача 10 мл (40 мл гача) уруғ беради. Уруғининг сифатига рационнинг тўлиқ қийматлилиги ва калориялиги таъсир кўрсатади. Шунинг учун уни қатъий норма асосида озиқлантириш зарур.

Эркак итлар рацион структураси қуйидагича бўлиши зарур: талаб қилинадиган энергияга нисбатан гўшт - 50 %, крупа - 40 %, сабзавот 10 % Эркак итлар кочиришга 1,0-1,5 ой олдин тайёрланади. Бу даврда рационда ҳайвонот маҳсулоти 70 % дан кам бўлмаслиги керак. (Б.С.Салимов ва бош.,2010)

Қўшилиш даврида I дона тухум бир кунда ёки кунаро хом жигар, балиқ ёғи, ачитқи, глицерофосфат ва кунда ёки кунаро 1-2 томчи витамин препаратларини бериш фойдали. Эркак итлардан фойдаланмаган даврда 2 марта, қочириш даврида 3 марта озиқлантирилади. Озуқа маҳсулоти куюк сут ёки сугоқ каша сифатида берилади. Озуқалар 2-3 соатдан кейин берилади. Бериладиган озиқа иссиқроқ (+350 - 800С) ҳолда берилиши зарур.

Итларнинг бўғозлик муддати ўртача 62-63 кунни ташкил этади (58-65 кун) итлардан ўртача 3-6 та бола олиш мумкин. Она қорнида ривожланаётган боланинг яхши ривожланиши тўлиққийматли озуқалар билан меъёр асосида озиқлатиришга боғлиқ. Рационнинг тенглаштирилмагани, энергетик тўйимлилиكنинг пастлиги, оқсил, витамин ва минерал моддаларнинг етишмаслиги эмбрионнинг ўлимига ва нимжон бола туғилишига сабабчи бўлади. Бўғоз итлар рационни ёғсиз гўшт, суп маҳсулотлар (ичак, қорин ва ҳокозолар), сутли озуқалар, ҳар хил крупалар, сабзавот, ҳайвон ёғи, минерал моддалардан ва витаминлардан ташкил топиши мақсадга мувофиқ. Янги туғилган ёш итларда рахитнинг олдини олиш учун суяк уни ва минерал қўшимчалар ўрнига, махсус қўшимчалар, глицерофосфат кальций (40 дона таблетка), лактаткальций (40 таблетка), озиқавий бўр (20 г), фитин (10 таблетка), фаол кумир (10 таблетка) майдаланиб аралашмадан ярим чой қошиқдан берилади. (Б.С.Салимов ва

бош.,2010; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990; С.Н. Хохрин, 2001).

Бўғоз итларни бўғозликнинг 3 ҳафтасидан 3 марта, 7 ҳафталигида 4 мартадан озиклантирилади. Бу даврда асосий озуқа гўштли суп, крупа ва сабзавот аралашмаси бўлиши зарур. Суп 2 марта эрталаб ва кечқурун берилади. Унга минерал ва витаминли қўшимчалар қўшилади. 3-4 озиклантиришда сут, нон билан ёки пиширилган гўшт берилади. Озуқа доимо бир вақтда берилиши зарур.

Итларнинг сут бериш даври 4-6 ҳафта давом этади. Сут бериш ҳар хил даврда ҳар хил бўлади. 20-25 кунгача сут безларининг сут ажратиши жадал бўлади, кейин эса камая бошлайди. Сутда 7 % оксил, 8 % ёғ, ва 4 % лактоза бўлади. Сут таркиби озуқа билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун эмизадиган итларнинг талаби тинч ҳолатдагига нисбатан юқори бўлади. Туйимлилик моддалар ва энергиянинг камлиги рационда сутдорлик ва сут таркибига салбий таъсир кўрсатади. Тўққандан кейин 6 соат давомида озуқа берилмайди, лекин доимо олдида тоза сув бўлиши зарур. Кейин 2 кунда озуқани кўп бермасдан бир меъёрда бир кунда 5-6 марта берилади. Бу даврда энг яхши озуқа гўштли бульон, гуручли, кашали ёки крупали суюқ суп ҳисобланади. Кам миқдорда сутга ивигилган оқ нон берилиши мумкин. **(Б.С.Салимов ва бош.,2010)**

Тўққандан 4 кун ўтгач қўйидаги структура бўйича рацион тузилади: Гўшт (ёғи кам 2 категория) - 45 %, крупа- 35 %, нон 10 %, сут 5 %, картошка ва сабзавот 5 %. Рационга суяк уни, бўр, балиқ уни, сабзавот, кўкат ва витамин препаратлари ҳам қўшилиши мумкин. Тукқан ит 1 кунда 3 марта озиклантирилади. Озиканинг ҳарорати +300 - 350С бўлиши керак. Агарда витамин С етишмаслиги намоён бўлса 1 кунда 1 марта аскарбин кислотаси берилади.

Ёш итнинг ўсиш ва ривожланиши сут эмишнинг охириги давригача аиникса 2 ҳафталикгача озиклантиришга боғлиқ. 2 ҳафталикгача асосий

озуқа онасининг сути ҳисобланади. Биринчи ҳафтасида 1 кунда 12 марта, 2 - чи ҳафтада 8 марта онасидан ажратишда 4-5 марта эмади. Она сути кам бўлса 1 ҳафталик ёшидан қўшимча озиқлантирилади. Сигир сути 27-30 г қиздирилиб, 0,5 л сутга 1 та хом тухум аралаштирилиб берилади. 2 ҳафталикдан бошлаб янги хом гўшт фарш ҳолатида 15-20 г берилиб, кейин кўпайтирилиб берилади. 3 ҳафталигида 40-50 г гўшт, 4 ҳафталигида 100 г гўшт онасини эмгандан сўнг берилади. 3 ҳафталигидан бошлаб омухта озуқа (гўшт, сут, каша) суюқ ҳолида берилади. Каша аввало 30-50 г, аста секин 200-250 г га етказилади. Озуқа бир кунда 3-4 марта берилади. Шу ёшдан бошлаб сув берилади. 4 ҳафталигидан гўштли бульон ёки суп, майда кесилган пиширилган гўшт, оқ нон, творог, сабзавот ва кўкат берилади. Ёш кучукларни онасидан ажратиш 5 кун мобайнида 6-7 ҳафталигида амалга оширилади. Онасидан ажратилгандан кейин қатъий меъёр асосида озиқлантирилади.

Ёш итлар фақатгина янги тайёрланган озукалар билан озиқлантирилади. Ёш итлар 2 ойликгача 6 марта, 2 - 4 ойликгача 5 марта, 4 - 5 ойликгача 4 марта, 5 - 6 ойликда 1 кунда 4 - 3 марта озиқлантирилади. 7 ойликдан бошлаб катта итлар рационига ўтказилиб бир кунда 2 марта озиқлантирилади. **(Б.С.Салимов ва бош.,2010)**

Хизматдаги итлар бирор бир ишни бажариш учун хизмат қилмайдиган итларга нисбатан қўшимча тўйимлик моддалар талаб қилади.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигидаги итлар рационини таҳлил қилинганида улар стурктураси тахминан кўйидагича эканлиги қайд этилди: гўшт ва суп махсулотлари 40 %, крупа. нон 50 %. картошка ва сабзавот 10 %. Катта ёшдаги хизматчи итларнинг (овчарка) ҳафталик тахминий рационини: гўшт ҳар куни 400 г, сули крупаси 600 г (3,5,7 кунлар) пшено 600 г (2,4,6 кунлар), картошка 200 г (2,4,6 кунлар) сабзи ва карам 200 г (1,3,5,7 кунлар), гўшт суяк уни 50 г (1,3,5,7 кунлар), балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г берилар экан. Ҳафтанинг 3-4

кунида хом гўшт берилади. Хизматчи итлар бир кунда 2 марта эрталаб ва кечкурун ишдан 1-2 соат олдин ва 1 соат кейин озиқлантирилади.

Итларни озиқлантиришда ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинадиган озуқалардан фойдаланилади.

Итларга бир кунда бериладиган асосий озуқалар меъёри.

1- жадвал

Озиқавий маҳсулотлар ва қўшимчалар	Катта ёшдаги итлар	Ёш кучуклар			
		1-ойлик гача	1-3ойлик гача	3-6 ойгача	6-ойдан катта
Гўшт ва ичак	100-400	30-50	60-150	160-150	350
Қорин	300	50-150	200	200-300	100
Сут	1000	10-20	400	60-100	200
Творог	200-500	30-50	30-50	120-150	2000
Куруппа	200-400	20-30	60-100	70-100	150
Нон	200-300	20-30	30-50	100-120	150
Картошка	100-200	20-30	40-100	80-100	100
Забзавотлар	80-100	1-3	40-70	4-6	10
Ҳайвонлар ёғи	20-25	-	3-4	25-40	50
Гўшт-суяк уни	50-100	2-4	10-20	10-13	15
Суюк уни	10-15	0,5	5-10	3-5	8
Балиқ ёғи	10-15	0,5-1,0	1-3	2-4	6
Ачитқи	5-10	Кунаро	1-2	-	-
Товуқ тухуми	-	0,5	Кунаро	5-8	10

Ош тузи	10-15	-	3-5	-	-
---------	-------	---	-----	---	---

Ҳайвонлардан олинадиган озукалардан ёғсиз гўшт (от, қорамол, қўй, чўчқа, ёввойи ҳайвонла. парранда, кемирувчи, денгиз ҳайвонлари, ит, қорамол ва бошқа турдаги ҳайвонлар эмбрионлари). Жигар, буйрак, ўпка, юрак, мия, тил, талоқ, корин, диафрагма, кекирдак, елин, оёқ, дум, лаб, ҳайвонлар қулоғи, хом ёки пишириб берилади.

Бундан ташқари итларга суяк, ҳайвонлар қони, гўшт ва суяк уни берилади. Катта ёшдаги итлар рациониди гўштнинг салмоғи 25-30 % дан кам бўлмаслиги керак. 2 даражали маҳсулотлар ўпка, корин ваҳокозолар 30 %дан ошмаслиги керак. Итларга сут (сигир, эчки, қўй, бия сутлари), сут маҳсулотлари (творог, қатик, пишлок, сметана, сариёғ), сут қолдиклари (обрат, зардоб) тавсия этилади. Сут ва сут маҳсулотлари катта ёшдаги итлар рациониди талаб қилинадиган энергияга нисбатан 3-5 % ташкил қилади.

Итларга балиқ, балиқ қолдиқлари, балиқ ёғи. тухум, ҳайвонлар ёғи берилади. Булар рационди 3 % атрофида бўлиши керак. Ўсимликлардан олинадиган озукалардан бошоққилар уни, нон, крупа, сабзавотлар, илдиз мевалиликлар берилади. Уларнинг салмоғи 60-70 % ни ташкил этади. Қўшимча озукалардан ачитки, витамин препаратлари, суяк уни, нордон фосфотли калций, глицерофосфат, бўр, тухум қобиғи, ош тузи, микроэлемент тузлари берилиши зарур.

Кузатишлар натижасиди шу нарса аниқланганки - итлар бир қатор ва шунингдек ҳаддан ташқари қимматли туғма сифатларга эга бўлади. Улар узоқ ва тез чопа олиши мумкин бўлиб, бу хусусият итдан турли хил хизматларди фойдаланишди жуда муҳим ҳисобланади, шунингдек итлар ўз жойини тез ёдди сақлайди ва янги шароитларди жуда енгил мослашади.

Ёввойи аждодларининг қилиқларини ўзида мужассам этган ҳолди итлар югураётганди мазкур жойди ҳамиша уйғунлашиб, ўзининг ҳаракат ҳолатини душманига сездирмасликка ҳаракат қилади. Итлар яхши

ривожланган ҳид билиш органига эга бўлиб, уларда турли хил, ҳатто жуда кучсиз ҳидларни ҳам ажрата олиш имконияти мавжуд. Эшитишнинг ўткирлиги сабабли итлар инсон эшитишга қобилиятсиз бўлган товуш ва шитирлашларни ҳам енгил сеза олиш хусусиятига эга. **(Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).**

Агарда, итларнинг беҳад чидамлилиги ва шунингдек иқлим шароити, асраш ва озиклантириш тартибига ўта мослашувчанлигини ҳам инобатга оладиган бўлсак, бу жониворларнинг халқ хўжалиги, Давлат чегараларини муҳофазалаш ва бошқа турлардаги хизматларда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Итларнинг у ёки бу сифатларини янада яхшилаш ва ривожлантириш ҳамда улардан турли хил хизматларда самарали фойдаланиш учун уларни малакали ўргатишни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга. **(Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ. ,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).**

Итларни ўргатиш деганда, ҳайвондан у ёки бу хизмат турларида фойдаланишни таъминлайдиган турли хилдаги ва мураккаб усулларни, буйруқ ёки имо-ишора орқали бажаришни ўргатиш жараёни тушунилади. Ўргатиш босқичи назария ва ўргатиш техникасига бўлинади.

Ўргатиш назарияси олий нерв системаси қонуниятлари асосида итларни ўргатиш қоидаларини тадқиқ этади ва уларни илмий жиҳатдан асослайди. Ўргатиш техникаси эса усулларнинг тўғри ташкил этилиши бўйича услубий ва техник тавсифдаги масалаларни кўриб чиқади. У асосан учта муҳим қисмларга ажратилади:

1. Умумий ўргатиш (умуминтизомий давр);
2. Махсус ўргатиш;
3. Хизмат итларини ўргатиш.

У ёки бу вазифалар юклатилаётган махсус хизмат итлари белгиланган топшириқларга тўлиқ мос келишлари учун, биринчи навбатда ҳайвонларни итоаткор бўлишга ва интизомга одатлантириш лозим бўлади. Бунга умумий ўргатиш, яъни ит томонидан умумий интизомий усулларни ўзлаштирилиши орқали эришилади. **(Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ.,1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).**

Махсус ўргатиш итларнинг у ёки бу хизмат турлари, масалан қоровуллик, кўриқчилик, қидирув хизматларида қўйиладиган талабларни бажариш бўйича амалга ошириладиган усулларни ҳайвонларга ўргатиш мақсадини кўзда тутди. Аммо итга фақатгина умумий қулоқ тутиш ва махсус усулларни ўргатиш етарли бўлмайди, балки бу кўникмалар итда сақланиб қолиниши ҳам лозим. Бунга эса доимий равишда машқ қилдириш орқалигина эришилади.

Итларни ўргатишга киришишдан олдин ит ўргатувчиси ҳайвон қандай мақсадда ўргатилиши, қайси вазифага тайинланаётганлиги ҳамда қайси хизмат турига тайёрланаётганлигини билиши керак. У умумий ўргатишдан ташқари у ёки бу турдаги махсус хизматнинг асосий қоидалари ва ўргатиш услубларини билиши шарт. Бундан ташқари, ўргатувчи доимий равишда итнинг ҳатти-ҳаракатлари ва одатларини синчковлик билан кузатиб бориши лозим. Чунки ит томонидан содир этилаётган ноўрин ҳатти-ҳаракатлар ҳайвонни ўргатишда ҳалақит бериши мумкин. Бу каби ҳатти-ҳаракатларни ўз вақтида тузатиш учун шошилиш равишда чора кўриш талаб этилади. **(Б.Д. Нарзиев,2011)**

Шунинг билан биргаликда ит ўргатувчиси ўз ҳаракатларини ҳам қатъий равишда кузатиб бориши лозим. Кўпинча тажрибасизлик оқибатида итнинг кейинги фаолияти учун кераксиз ва зарарли бўлган кўникмаларни ўргатувчи ўзи сезмаган ҳолда ҳайвонга сингдириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, итларни ўргатиш давомида ҳайвонларнинг у ёки бу сифатларини ҳисобга олиб, белгиланган мақсадларда улардан максимал фойдаланиш, ривожлантириш, мустаҳкамлаб бориш зарур.

Ит ўргатишнинг муваффақияти ўргатувчининг итга таъсир қила билишига боғлиқ, бу ўргатувчи сифатида тайёргарлик даражаси ва унга бириктирилган итга муносабатига боғлиқ.

Авваламбор ўргатувчи ўз ишини яхши кўриб, қизиқиши керак.

Ҳар қайси ўргатувчи оғир-босиқ, жасоратли, зийрак, журъатли, ўзига ва итга нисбатан талабчан, мақсадига етишда қайтмас ва чидамли бўлиши лозим.

Ўз ишини бошлашдан аввал ўргатувчи назарий жиҳатдан зарур билимларни мукамал ўзлаштириши керак.

Методик ва техник тажрибаси ит билан амалий ишлар жараёнида эгалланади.

Ит ўргатишда ўргатувчи доим ўз итини хулқининг хусусиятларини ўрганиб бориши керак. Ўргатувчи ит билан бўладиган мулоқотда ўзининг ҳаракатларини олдиндан ўйлаб қўйиши керак ва ишида изчил бўлиши керак. Итда бирон шартли рефлексни ишлаб чиқариш учун таъсирни ўтказишни ва қайси изчилликда бу усулни кўришни режалаштириб қўйиши керак. (Б.Д. Нарзиев, 2011)

Бутун амалий машғулотлар давомида ўргатувчи итнинг ишга бўлган қизиқувчанлигини асраб қолиши керак, бу дегани ўргатувчининг ҳамма таъсирларига ит фаол жавоб қайтариши лозим бўлган бир ҳолат.

Ит ўргатиш пайтида ўргатувчи асабланмаслиги керак. Ўзининг шахсий хафагарчиликларини итга ўтказиш мумкин эмас. Ит ўргатишдаги камчиликларига ҳам хафа бўлиш керак эмас. Бу камчиликларни вақтида бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

Итларни ўргатиш деганда, ҳайвондан у ёки бу хизмат турларида фойдаланишни таъминлайдиган турли хилдаги ва мураккаб усулларни,

буйруқ ёки имо-ишора орқали бажаришни ўргатиш жараёни тушунилади. Ўргатиш босқичи назария ва ўргатиш техникасига бўлинади.

Ўргатиш назарияси олий нерв системаси қонуниятлари асосида итларни ўргатиш қоидаларини тадқиқ этади ва уларни илмий жиҳатдан асослайди. Ўргатиш техникаси эса усулларнинг тўғри ташкил этилиши бўйича услубий ва техник тавсифдаги масалаларни кўриб чиқади. У асосан учта муҳим қисмларга ажратилади:

4. Умумий ўргатиш (умуминтизомий давр);
5. Махсус ўргатиш;
6. Хизмат итларини ўргатиш.

Организм рецепторлари билан қабул қилинадиган ва олий асаб системаси билан жавоб қайтариш ҳаракатини чақирувчи ҳамма нарса кўзгатувчи деб аталади. **(Б.Д. Нарзиев, 2011)**

Ташқи кўзгатувчи атроф-муҳитдан пайдо бўлади, яъни ит организмнинг ташқи томонидан ва сезги аъзолари орқали таъсир қилади (қулоқ, кўз, бурун, сезиш ва таъм сезиш). Ҳар бир сезги аъзоси фақат белгили кўзгатувчиларни қабул қилади, масалан қулоқ товушли буйруқ, шовқин, шивирлаш, отилган товуш, кўзлар-ёруғлик, кўринадиган сигналлар (ишора, кийим, ёруғлик).

Ички кўзгатувчи ит организмида пайдо бўлади (асаб ихтиёрсиз ҳаракат, нервни импульс гормонлари) ва ички орган рецепторлари билан қабул қилинади.

Итлар ўргатилганда ички кўзгатувчини ҳисобга олган ҳолда ташқи кўзгатувчи ишлатилади:

Ўз табиати бўйича ва итларга таъсир этувчи усуллар бўйича кўзгатувчи қуйидагича бўлиши мумкин.

- механик (зарба, итни бўйнидан тортмоқ, укол)
- чироқ ёки кўринадиган (ишора, кийим шакли, ҳайвон кўриниши)
- товушли (буйруқ, хуштак, портлаш)

- электрли (электр токини ишлатиш)
- озиқ-овқат (овқат, ҳид, таъм)
- ҳидланувчи (одам изининг ҳиди, ҳаракат моддаларини ҳиди)

Машқлар давомида ўргатувчи итни асаб системасига шартли ва шартсиз қўзғатувчилар билан таъсир қилади. Ушбу қўзғатувчиларни тўғри ишлатиш учун уларнинг хуссиятларини ва қўлланилиш тартибини билиш керак.

Шартсиз рефлексни чақирадиган қўзғатувчи – шартсиз қўзғатувчи деб аталади. Шартли рефлексни чақирадиган қўзғатувчи эса – шартли қўзғатувчи деб аталади.

Буйруқ ва ишоралар асосий шартли қўзғатувчилар ва уларнинг асосида шартли рефлекслар ишлаб чиқарилади.

Буйруқ – мураккаб товушли шартли қўзғатувчи.

Механик қўзғатувчи

Булар навбатдаги турларда ишлатилади:

- итга тасма билан таъсир этиш (тортиш)
- яғрин (холка)га босиш, итнинг белига босиш
- итни қамчи билан уриш
- қаттиқ бўйинбоғ билан таъсир этиш
- итни силаш ва бошқалар

Ўргатувчининг механик қўзғатувчи ишлатишдан мақсади шуки, итни ишлар билан бутунлай ўзига бўйсундириш, ўргатувчи хоҳлаган амални итга қилдиради. Шунинг учун ўргатувчи итга таъсир қилганда ҳар доим ютувчи бўлиши шарт. Итдан талаб қилинадиган амални бажарилишига албатта эришиши шарт. **(Б.Д. Нарзиев,2011; Л.С. Богославская ва бошқ., 1992;Ф.Зиёдинов ва бошқ., 2003;Р.А.Хасанов, 1990).**

Ўргатувчининг ёрдамчиси ҳар доим “ютказувчи”, ит эса “ютувчи” бўлиши керак. Шундагина итда жасорат, агрессивлик уйғонади.

Ит ўргатишда озуқали қўзғатувчи билан таъсир этиш – гўшт, нон, қотган нон, шакар ва бошқаларни бериш ҳисобланади. Майда бўлинган гўшт, нон ва бошқа озуқалар ит учун мазали таом ҳисобланади ва рағбатлантириш мақсадида ишлатилади. Озуқали қўзғатувчини ишлатишда ит ўргатувчига итнинг овқатланиш рефлексини доим машқ давомида қўзғалган даражада ушлаб туришга ёрдам беради.

Шунинг учун бирон буйруққа итда мустаҳкам шартли рефлекс пайдо бўлиши учун овқат бўлаги ҳар замонда берилади. Озуқа рефлексини машғулот вақтида етарли даражада қўзғалиш ҳолида ушлаб туриш учун нафақат овқатни майда бўлақлар билан бериш керак, балки ит оч, ярим оч (чалатўк) бўлиши керак. Шунинг учун машқларни овқатланишдан 3-4 соатдан кейин бошлаш керак. **(Б.Д. Нарзиев,2011)**

Бу қўзғатувчилар айрим пайтларда, айниқса “бегоналардан озуқани рад этиш” ва “кераксиз ҳаракатларни ман этиш” кўникмаларини ишлаб чиқишда ишлатилади. Агар бошқа механик қўзғатувчилар (тасма ёки қамчи билан уриш) итга таъсир қилмаса, шунда электр қўзғатувчиларни машғулотларнинг бошлиғи (малакали инструктор) бошчилигида ишлатиш мумкин. Бунда электр ускунаси (дала телефон аппарати ёки шу аппаратнинг индуктори) ишлатилади.

Ит ўргатишда шартли қўзғатувчилар деб, итда шартли рефлекс ишлаб чиқарадиган қўзғатувчига айтилади. Шартсиз қўзғатувчилар аксинча, шартли қўзғатувчилар узоқдан ва ит хизматдалигида бошқаришда фойдаланилади.

Ҳар битта шартли қўзғатувчилар итда белгили шартли рефлексни уйғотади, бу рефлекс ўргатувчи жараёнида ҳосил бўлади. Ит организмнинг рецепторлари билан қабул қилинадиган ҳар қандай қўзғатувчилар шартли қўзғатувчилар бўлиши мумкин.

Шартли қўзғатувчилар ҳар доим шартсиз қўзғатувчилар билан мустаҳкамланади, шунинг учун келажакда шартли қўзғатувчилар энди пайдо бўладиган шартсиз рефлексга сигнал бўлади.

2.3. Итларда оғиз бўшлиғи касалликларини келтириб чиқарувчи экологик омиллар ва уларнинг учраш даражаси.

Ит ва мушукларда оғиз бўшлиғи касалликлари жуда кўп учраб, оғир асоратларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Кейинги йилларда Россияда итларда учрайдиган оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда, аммо оғиз бўшлиғидаги пато-физиологик жараёнлар кам ўрганилганлиги боис ва ташхис қўйиш ҳамда даволаш ишлари яхши такомиллаштирилмаганлиги сабабли хизмат кўрсатиш юқори савияда олиб борилмаяпти. (Зазулевская Л.Ю., 2002; Пачес А.И., 2000; Персии Л.С., 2007) Шунга қарамасдан ветеринария врачларининг стоматологияга бўлган қизиқиши ортиб, итларда оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш бўйича анча тажриба тўплаганлар.

Оғиз бўшлиғидаги ҳар қайси аъзо касаллигини, оғиз бўшлиғининг умумий касаллиги деб қараш лозим.

Барча оғиз бўшлиғи касалликларини 9 гуруҳга бўлинади яъни туғма патология, тиш аномалиялари, пародонт касалликлари, пульпа касаллиги ва переапикал тўқима ҳамда бошқа оғиз бўшлиғи шиллиқ парда касалликлари киради. Шикаст натижасида келиб чиқадиган касалликлар, тишларнинг деструктив касалликлари, оғиз бўшлиғи ўсмалари, оғиз бўшлиғи жароҳати ва стоматитлар организмнинг бошқа тизим касалликларининг клиник белгиси бўлиб ҳисобланади. (G.Schamberger. et. at., 2010; Pavlica Z. et. at., 2008; Tholen M.T et. at., 1990.)

Зазулевская Л.Ю (2002), Пачес А.И (2000), Персии Л.С (2007) маълумот беришича, итлар орасида учрайдиган стоматитларни келиб чиқишини, итларни нотўғри озиклантириш, нотўғри зоогигиеник шароитларда сақлаш, ишлатиш ва махсус ўргатиш тренингини ўтказишдаги камчиликларга боғлашади. Итларда учрайдиган стоматитлар, умумий хирургик касалликларнинг 8-18% ини ташкил қилади.

Стоматитлар тарқалишига кўра - тил, милк, юмшоқ танглай ва тишларда, турига қараб – катарал, везикуляр, дифтиритик, папилломатозли, ярали ва гангренозли, кечиш ҳарактерига кўра – ўткир, ярим ўткир ва сурункали, клиник белгилари – касаллик турига, кечиш ҳарактерига ва тарқалишига боғлиқ бўлади **(Қ.Н.Норбоев ва бошқалар, 2007 ; А.Д.Белов, Е.П Данилов ва бошқ. 1990)**.

Кейинги йилларда ветеринария клиник амалиётида оғиз бўшлиғида учрайдиган полидонтия, олигодонтия, тишларнинг емирилиши, милк, лунж, лаб ва бошқа касалликлар кўп учрамоқда. Кичик уй ҳайвонларида учрайдиган оғиз бўшлиғи касалликларини келтириб чиқараётган омиллар тўғрисида олимлар камроқ илмий изланишлар олиб бормоқдалар, асосан булар тўғрисида чет эл маълумотларидан фойдаланиб келинмоқда. **(Бонсор С. Дж., 2007; Варганов А.И., 2001; Гусельников Е.В., 2002)**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ушбу минтақавий экологик омил оғиз бўшлиғи касалликларини келиб чиқишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. **(Денни Х., 2004; Жизель Хозгуд., 2000; Лукьяновский В. А., 1998).**

Итлар ўртасида турли механик таъсуротлар натижасида тишларда пульпит кўплаб учраб, оғиз бўшлиғида оғир асоратларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда пульпитларни даволашни асосий усулларида бири уни олиб ташлашдир. Ҳозирги кунгача яллиғланган тишни терапевтик даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган, агар уни даволаш усуллари мавжуд бўлганда, касалланган тишни сақлаб қолиш тмкони бўлар эди. **(Фролов В.В., 2003; Фролов В. В., 2004; Фролов В. В., 2005; Фролов В. В., 2002).**

Ҳозирги кунда бу касаллик итлар орасида 8-10% учраб, уларнинг физиологик хусусиятларига, иш қобилятининг пасайишига ва экстерьерларининг бузилишига олиб келмоқда.

Касалланган ҳайвонлар овқатни яхши майдалай олмайди, натижада уларнинг овқат ҳазм қилиш органларида яллиғланишни ривожланишига яъни, гастрит пайдо бўлишига ва оғиз бўшлиғига стоматитлар келиб чиқишига сабабчи бўлади. **(Фролов В.В., 2005; Фролов В.В., 2004 ; Фролов В. В., 2005; Фролова А. И., 2002; Baker P. J., 2001).**

Кўп ҳолларда итларда ўз фаолияти давомида оғиз бўшлиғи касалликларига кўпроқ тиш шикастланишига учраб турадилар. Бунга асосий сабаб, улар хизмат фаолияти давомида ов жараёнида, таёқчаларни ушлаш, жиноятчиларни ушлашда кўпроқ тишларни ҳаракатга келтиради ва уларнинг жароҳатланиши келиб чиқади. **(Семенов Б.С., 2003; Улитовский С.Б., 1999; Фролов В.В., 2004).**

Хизмат фаолияти давомида кўпроқ юқориги ва пастки жағлардаги кесувчи ва йиртқич (қозиқ) тишлари шикастланади, оқибатда оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималарида ҳам яллиғланишлар ривожланади **(Слесаренко Н.А и др ., 2004; Слесаренко Н.А.и др., 2000; Фольмерхаус Б., Фревейн Й., 2003; Аржанцев, П.З., 1984;. Баранов А.Е., 1998).**

Маълумки, кесувчи ва йиртқич тишлар ҳайвонларга ўлжадан бўлакларни олиш учун ишлатилади, бунда йиртқич тишлар пичоқ сингари ёриб ташлайди **(Грудянов А.И., 2006; Гусельников Е.В., 2002; Гусельников Е.В., 1997).**

Оғиз бўшлиғи касалликларини ўрганишда ҳайвонларда учрайдиган турли хилдаги юқумсиз, юқумли ва хирургик касалликларни ва улар оқибатида келиб чиқадиган асоратларни билиш керак бўлади **(Гусельников Е.В., 2002; Фролов, В.В., 2004; Tutt С., 2007; Tutt С ., 2006).**

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватлардаги яллиғланишлар катарал, ярали, дифтирик ва камроқ везикуляр ва афтали бўлади. стоматитлар жойлашган жойига қараб локал ва диффузли, кечишига қараб эса ўткир ва сурункали , келиб чиқишига қараб эса бирламчи ва иккиламчи бўлади. ит ва мушукларда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаларининг яллиғланиши механик, термик, химик ва биологик омиллар таъсирида келиб чиқади.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг механик шикастланиши итларни гўшти овқатлар таркибида ўткир суякларнинг бўлиши, шунингдек тишларнинг ҳаддан ташқари емирилиши ва нотўғри ўсиши натижасида келиб чиқади. Бундан ташқари, оғиз бўшлиғига ўткир жисмлар таъсирида кириб борувчи жароҳатлар, ҳайвонларнинг урушган вақтида бир-бирини тишлаши натижасида ҳам яллиғланишлар келиб чиқади. Термик шикастлар иссиқ овқат, музлаган гўшт, балиқ шунингдек, совуқ сув ичганда келиб чиқади. Химиявий шикастлар эса асосан ишқор, кислота, заҳарли химиявий моддаларни сақлаш қоидалари бузилганда уларни итлар ялаган пайтда келиб чиқади. <http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Оғиз бўшлиғида яллиғланишлар бўлганда ҳайвонлар ҳолсизланади, жараённинг ривожланиш характериға қараб, итлар овқат ейишдан бош тортади, тана ҳарорати кўтарилади, ҳайвон ориқлайди. Касал ҳайвонлар фақат юмшоқ консистенцияли овқатларни истеъмол қилади, чайнаш ҳаракатлари суст ва организмнинг умумий аҳволи кучсизланган. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардалари кўкимтир, қуруқ ва қон қуйилишлар (оғир формаси) кузатилади.

Касалликка ташхис қўйиш оғиз бўшлиғини текшириш, анамнез маълумотлари ва клиник текшириш натижаларига асосланиб қўйилади. Яқунловчи диагноз қўйишда организмдаги юқумли касалликларни, тиш касалликларини, томоқ ҳамда ҳалқум касалликларини инобатга олиш керак бўлади. <http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Даволаш учун энг аввало, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасини яллиғланишини келтириб чиқарувчи сабаблар бартараф этилиши лозим. Даволашда дезинфекцияловчи ва буриштирувчи моддалардан: протарголнинг 1-5% ли, колларголнинг 2-5% ли, мис сульфатнинг 0,25-0,5% ли, рух сульфатнинг 0,2-0,5% ли, резорциннинг 1-2% ли, этакридин лактатнинг 0,1-0,2% ли, новоиманиннинг 0,01-0,1 % ли, калий перманганатнинг 0,01-0,1 % ли, фурациллиннинг 0,02-0,05% ли, натрий гидрокарбонатнинг 1-2% ли ва

таниннинг 1-2% ли эритмалари буюрилади. Оғиз бўшлиғини ювиш учун йод-глицерин аралашмасининг - 1:3, спиртли календула настойкасининг – 1:10, дуб дарахти илдизи дамламасининг – 1:5, шалфей барглариининг – 1:10, мойчечак гули дамламалари тавсия этилади.

<http://www.petshealth.ru/pets/cat/veterinar/sprav/stomatit.shtml>

Итларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси шикастланишининг келиб чиқиши турли хил юқумли ва юқумсиз касалликлар ва уларнинг асорати бўлиб, иккиламчи патологик жараён сифатида ривожланиб хизмат итлари боқиладиган ва кўпайтириладиган кинология питомникларида катта иқтисодий зарар етказади.

Юқорида кўрсатилган маълумотларга асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган стоматит касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Итларда катарал стоматитларни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш борасидаги ва катарал стоматитларни учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Шаҳар ветеринария бўлимида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Илмий тадқиқот изланишларида вилоятимиздаги итлар орасида стоматит касаллиги билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида стоматит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усулларини ишлаб чиқиш мақсадида итларни сақлаш ва озиқланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар ёрдамида итларнинг стоматит билан касалланиш даражаси, клиник касал

итлар миқдори аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, оғиз шиллиқ пардаларининг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг оғиз бўшлиғида ҳосил бўлган шишларнинг характери, оғриқ сезиш натижалари аниқланди.

Текширишлар натижасида итларда учрайдиган стоматит касаллиги юқумли, юқумсиз касалликлар асорати сифатида ривожланиши маълум бўлди. Бундан ташқари милк, лаб, лунж ва тилнинг ўткир жисм ёки суяклар билан механик жароҳатланиши, тиш бўйинчасининг кариеси ва тиш тошларининг йиғилиши натижасида стоматитлар келиб чиқиши маълум бўлди.

2-жадвал

т/р	Ташкилотлар	Стоматит билан касалланган итлар сони				Ўртача	
		2012 йил		2013 йил			
		сони	%	сони	%	сони	%
1	Хирургик клиника	120/16	13,3	115/17	14,7	235/33	14
2	Шаҳар вет.бўлими	116/14	12	111/16	14,4	227/30	13,2
3	Самарқанд вилояти ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати хизмат итлари питомниги	78/9	11,5	82/7	8,5	160/16	10

Эслатма: жадвалдаги сонларнинг суръатида текширилган ҳайвонларнинг умумий сони, махражида эса касал ҳайвонлар сони берилган.

Тиш тошларининг йиғилиши асосан қари итларда кўпроқ учраши аниқланди. Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармакологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 120 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 16 таси (13,3%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 115 бош итлар текширилганда 17 таси (14,7 %) катарал стоматит билан касалланганлиги маълум бўлди. (2-жадвал)

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 116 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 14 таси (12%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 111 бош итлар текширилганда, 16таси (14,4 %) катарал стоматит билан касалланганлиги қайд қилинди.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 9 таси (11,5%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 7 таси (8,5 %) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди.

Касалланган итлар клиник текширилганда уларда оғиздан сўлак оқиши, чанқаш кузатилди. Оғиз бўшлиғидаги шиллиқ пардаларда оғриқ борлиги туфайли итлар овқатни секин ейди ёки овқат емай қўяди. Шиллиқ пардалар қизариб усти кулранг ғубор билан қопланган. Тиш тошларининг йиғилиши натижасида келиб чиққан стоматит билан касалланган итлар текширилганда милкларда шиш, қон оқиш, қўланса ҳид ва тишларнинг қимирлаши аниқланди.

2.3. Итларда катарал стоматитларни даволаш

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида,

Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида, вилоят марказий шифохонаси лабораториясида, 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Дастлаб вилоятимизда итлар орасида стоматит касаллиги билан касалланиш даражаси ўрганилди. Итлар орасида стоматит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усулларини ишлаб чиқиш мақсадида режали хирургик диспансерлаш ўтказилди. Режали диспансерлаш йилига икки марта ўтказилади. Бунда итларнинг сақлаш ва озикланиш шароитлари, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида итларда стоматит билан касалланиш даражаси, клиник касал итлар миқдори аниқланади. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, кўз ва оғиз шиллиқ пардаларининг ҳолати, тана ҳарорати, пульси, нафас олиши, уларнинг танасида ҳосил бўлган шишларнинг характери, оғриқ сезиш натижалари аниқланади. Стоматит билан касалланган итлар орасида касалликнинг этиопатогенезини ўрганиш мақсадида касалланган итлар ажратилиб, клиник, қонда морфологик текширишлардан ўтказилди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасида стоматит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиклантириш шароитлари тенглаштирили улар 5 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Ҳар бир итда стоматит касалликнинг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Ҳар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражасига қараб белгиланди.

Биринчи тажриба гуруҳи касал итларига маҳаллий ва умумий даволаш ишлари амалга оширилиб, бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин

С дан - 1 мл, витамин В6 дан – 1 мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда анор пўстлоғидан тайёрланган кукун пуркаш ва унинг дамламаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккинчи назорат гуруҳи касал ҳайвонларига бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 2 мл, витамин В6 дан - 2мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда мойчечак гули дамламаси эритмаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккала гуруҳ итларига даволаш муолажалари ўтказилгандан кейин бир соат давомида оғиз бўшлиғи ёпилган ҳолда фиксация қилинди.

Даволашнинг самараси ўткир яллиғланиш ходисаларнинг пасайиши, экссудат сўрилиши, шишнинг пасайиши ва бошқа кўрсаткичларнинг нормаллашиш натижалари бўйича аниқланди.

Ҳайвонлар мунтазам текшириб турилди, тана ҳарорати ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус текширишлар ўтказилди.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш яъни кўрик, пальпация, усуллари ёрдамида текширилди.

Икки гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга анор пўстлоғи кукуни ва унинг дамламаси таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги итлар тажрибаларнинг бошида ва даволаш муолажалари бошлангандан кейин 3 – 5 – 7 – 9- 12 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфологик кўрсаткичлар бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

2.3.1. Клиник кўрсаткичлар

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш яъни кўрик, пальпация усуллари ёрдамида клиникага келтирилган ва питомникда сақланаётган итлар орасидан катарал стоматит билан

касаланган итлар аниқланди. Биринчи тажриба гуруҳидаги 5 бош итнинг иккитасида оғиз бўшлиғи милкларида катарал яллиғланиши 3 бош итда эса тил ва пастки танглайида катарал яллиғланиш жараёнлари кечаётганлиги кузатилган бўлса, иккинчи назорат гуруҳидаги 3 бош ҳайвонда оғиз бўшлиғи милкларида катарал яллиғланиш ва 2 бош ҳайвоннинг тил ва пастки танглайида катарал яллиғланиш жараёнлари кечаётганлиги аниқланди. Тажрибадаги барча ҳайвонлар тажрибагача ва тажриба давомида клиник кўрикдан ўтказиб турилди.

Тажрибадаги биринчи ва иккинчи гуруҳидаги касаланган итлар клиник текширилганда, уларда оғиздан сўлак оқиши, чанқаш кузатилди. Оғиз бўшлиғидаги шиллиқ пардаларда оғриқ борлиги туфайли итлар овқатни секин ейди ёки айрим ҳолларда овқат емай қўяди. Шиллиқ пардалар қизариб усти кулранг ғубор билан қопланган, милкларда шиш, қонаш, қўланса ҳид ва тишларнинг қимирлаши аниқланди.

Даволашнинг учинчи кунларида оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилган бўлса биринчи тажриба гуруҳи итлари клиник текширилганда, уларда оғиздан сўлак оқиши озроқ камайганлиги, шиллиқ пардаларда оғриқ озроқ камайганлиги, овқатни секин ейиши қайд этилди. Шиллиқ пардалар устидаги кулранг ғубор бироз камайган, милкларда шиш пасайганлиги аниқланди.

Даволашнинг бешинчи кунига келиб, оғиздан сўлак оқиши, шиллиқ пардаларда оғриқ камайганлиги, овқатни яхши ейиши кузатилди. Шиллиқ пардалар устидаги кулранг ғубор, милкларда шиш ва қизариш деярли кузатилмади.

Даволашнинг еттинчи кунига келиб, тажрибадаги итларнинг оғиз бўшлиғидаги морфологик кўрсаткичлар деярли физиологик меъёр даражасида келганлиги аниқланди.

Анъанавий усуллар яъни 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 2 мл, витамин В6 дан - 2мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига ва маҳаллий даволашда мойчечак гули дамламаси эритмаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилган иккинчи назорат гуруҳи итлари даволашнинг учинчи кунида клиник текширилганда, уларда оғиздан сўлак оқиши, шиллик пардаларда оғриқ, овқатни аста-секин ейиши қайд этилди. Шиллик пардалар устидаги кулранг ғубор, милкларда шиш камаймаганлиги аниқланди..

Даволашнинг бешинчи кунига келиб, уларда оғиздан сўлак оқиши озрок камайганлиги, шиллик пардаларда оғриқ бироз камайганлиги, овқатни секин ейиши қайд этилди. Шиллик пардалар устидаги кулранг ғубор бироз камайган, милкларда шиш пасайганлиги аниқланди.

Даволашнинг еттинчи кунига келиб, уларда оғиздан сўлак оқиши, шиллик пардаларда оғриқ камайганлиги, овқатни яхши ейиши кузатилди. Шиллик пардалар устидаги кулранг ғубор, милкларда шиш ва қизариш деярли кузатилмади.

Даволашнинг тўққизинчи кунига келиб, тажрибадаги итларнинг оғиз бўшлиғидаги морфологик кўрсаткичлар деярли физиологик меъёр даражасида келганлиги аниқланди.

Итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилганда патологик учоқда регенерация жараёнларини кучайтириб, даволаш муддатини икки кунга қисқариши аниқланди.

2.3.2.Қоннинг морфологик кўрсаткичлари

Биринчи гуруҳида қуйидаги даволаш тадбирлар ўтказилди: бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 1 мл, витамин В6 дан – 1 мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда анор пўстлоғидан

тайёрланган кукун пуркаш ва унинг дамламаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди.

Иккинчи назорат гуруҳи касал ҳайвонларига бунда 40% ли глюкозадан - 20мл, 5% ли витамин С дан - 2 мл, витамин В6 дан - 2мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда мойчечак гули дамламаси эритмаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккала гуруҳ итларига даволаш муолажалари ўтказилгандан кейин бир соат давомида оғиз бўшлиғи ёпилган ҳолда фиксация қилинди.

Даволаш ва кузатишлар 12кун давом этиб, организмга анор пўстлоғи кукуни ва унинг дамламаси таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги итлар тажрибаларнинг бошида ва даволаш муолажалари бошлангандан кейин 3 – 5 – 9- 12 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфологик кўрсаткичлар бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Анъанавий усулларга қўшимча равишда итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилган биринчи гуруҳдаги ҳайвонларида тажрибанинг 3-кунида эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 13,6 % га ошган бўлса, даволашнинг 5-кунига келиб 29,5% га, 9-кунда 20,4% га, ва тажрибанинг 12-кунига келиб эса 11,3% га ошганлиги аниқланди. Қондаги лейкоцитлар сони бу гуруҳдаги хизмат итларида даволашнинг 3-кунида 11,1%га, 5-кунида 12,5 %га, 12-кунига келиб эса 8,3 % га ошганлиги кузатилди.

Худди шундай ўзгаришлар қондаги гемоглобин миқдорида ҳам аниқланиб, бунда тажрибанинг 3-кунида улар миқдори 12,3 %га ошган бўлса,

даволашнинг кейинги, яъни 5-кунида 39,5 %га, 9-кунида 29,6 %га ва тажрибанинг 12-кунига эса 22,2 %га ошди.(3-жадвал)

Биринчи гуруҳ ҳайвонлар қонидаги лимфоцитлар миқдори ҳам тажрибанинг 3-кунида 27,2 %га ошган бўлса, 5-кунга келиб эса 21,2 %га, 9-кунда 15,1 %га даволашнинг 12-кунига келиб 9,0 %га кўпайди. (4-жадвал)

Тажрибадаги ананавий усул билан даволанган иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги эритроцитлар сони тажрибанинг 3-кунида 4,0 % га, 5-кунида 8,1% га ва фақатгина 12-кунига келиб 12,2 % га ошганлиги қайд қилинди. (3-жадвал)

Қондаги лейкоцитлар сони кузатишларнинг 3-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3,8% га ошган бўлса, тажрибанинг 5-кунига келиб 5,1% га ва 12-кунга келиб эса 7,7% га ошганлиги кузатилди. Қонда гемоглобиннинг концентрацияси тажрибанинг дастлабки кунлари унчалик ўзгармаган бўлсада, тажрибанинг 12-кунига келиб эса 13,0% га дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ошганлиги аниқланди.

Лимфоцитлар тажрибанинг 3-кунида 22,2% га, тажрибанинг 5-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 25,0% га ошган бўлса, 12-кунларига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга тенг бўлганлиги қайд қилинди.

3– жадвал.

Тажрибадаги **иккинчи** гуруҳ ҳайвонлар қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				3	5	9	12
Эритроцитлар млн\мкл	м ± m		4,9±0,13	5,1±0,05	5,3±0,04	5,4±0,05	5,5±0,06
	%		100	104,0	108,1	110,2	112,2
Лейкоцитлар минг\мкл	м ± m		7,7±0,3	8±0,4	8,1±0,2	7,8±0,5	8,3±0,5
	%		100	103,8	105,1	101,2	107,7
Гемоглобин Г/л	м ± m		84±1,1	96±1,3	111±1,4	104±1,8	95±1,3
	%		100	114,2	132,1	123,8	113,0
Лимфоцит %	м ± m		36±1,0	44±1,4	45±1,4	39±1,6	36±1,7
	%		100	122,2	125,0	108,3	100,0

4– жадвал.

Тажрибадаги **биринчи** гуруҳ ҳайвонларқонидаги морфологик кўрсаткичлар.

	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				3	5	9	12
	Эритроцитлар	$m \pm m$	$4,4 \pm 0,11$	$5,0 \pm 0,08$	$5,7 \pm 0,9$	$5,3 \pm 0,3$	$4,9 \pm 0,04$
	млн\мкл	%	100	113,6	129,5	120,4	111,3
	Лейкоцитлар	$m \pm m$	$7,2 \pm 0,1$	$8,0 \pm 0,1$	$8,1 \pm 0,2$	$7,3 \pm 0,06$	$7,8 \pm 0,08$
	минг\мкл	%	100	111,1	112,5	101,3	108,3
	Гемоглобин	$m \pm m$	$81 \pm 1,3$	$91 \pm 1,1$	$113 \pm 1,1$	$105 \pm 1,7$	$99 \pm 2,6$
	Г/л	%	100	112,3	139,5	129,6	122,2
	Лимфоцит	$m \pm m$	$33 \pm 1,0$	$42 \pm 1,2$	$40 \pm 1,0$	$38 \pm 1,8$	$36 \pm 1,4$
	%	%	100	127,2	121,2	115,1	109,0

Олинган маълумотларни таҳлил қилинганда тажриба гуруҳи ҳайвонлар қоннинг морфологик кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлари қонидаги морфологик кўрсаткичларига нисбатан яхшиланиб борганлиги маълум бўлди. Бунда биринчи гуруҳ ҳайвонлар яъни итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анос пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қилинган гуруҳдаги ҳайвонларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилди.

2.4.Ишнинг иқтисодий самарадорлиги

Ҳозирги замонда ветеринария хизмати чорвачиликдан юқори сифатли ва мўл маҳсулот олиш ёки хизмат ҳайвонларини соғлом ўстириш учун йўналтирилиши керак. Ветеринария тадбирларининг самарадорлигини иқтисодий анализ қилиш катта аҳамиятга эга. Унинг асосида ҳайвонларнинг касалликларини ва ўлим билан тугайдиган ҳолатларини камайтириш, даволаш ишларнинг самарасини ошириш, касаллик вақтини қисқартириш, хизмат итлари сақланадиган питомникларда соғлом итларни кўпайтириш ётади.

Ветеринария фаолияти йўналишларининг кўплиги, ветеринария тадбирларининг ҳар томонлама йўналиши, иқтисодий кўрсаткичлар системасини ташкил қилишини тақозо этади, бу эса ветеринария мутахассислари ишининг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради ва шунинг билан биргаликда ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш чора–тадбирларини ишлаб чиқишни асослаб беради.

Ҳозирги вақтда ҳайвонларда учрайдиган касалликларни, улар натижасида ўлишини олдини олиш, соғломлаштириш, даволаш тадбирлар, чорва мажсулотларини нобуд бўлишидан зарарни аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таклиф қилинган: хақиқий ва бартараф этилган зарар, ветеринария тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги, Абдурахмонов Т.А., Давлатов Р.Б. (2004); Гинзбург А.Г. (2005); Попов Н.А.(2005); Шакиров Ф.К.,

Удалов В.А., Грядов С.И. и др. (2006) усуллари ёрдамида 1 сўм харажатга самарадорлик ва бошқалар аниқланди.

Иқтисодий зарар бу ҳайвонларнинг касалликлари билан боғлиқ бўлган зарарни пул шаклидаги ифодаси.

Бартараф этилган зарар бу ветеринария тадбирларини иқтисодий натижасини белгиловчи ва кутилиши мумкин бўлган зарар миқдори.

Ветеринария тадбирларини ўтказиш учун харажатлар – бу уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар миқдори.

Итлардаги жарроҳатларни даволаш учун қуйидаги харажатлар кетади.

1. Бартараф қилинган зарар:

$$Бз = X_c \times T_n - П_m$$

X_c – ҳайвонларнинг сони

T_n – ҳайвоннинг ўртача таннарихи

$П_m$ – мажбуран сўйилиши ёки сотилишидан олинadиган пул миқдори

$$Бз = 6 \times 200000 = 1200000 - 300000 = 900\,000 \text{ сўм}$$

2. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш:

$$Ис = Бз - В_x$$

$Бз$ – бартараф қилинган зарар

$В_x$ – ветеринария харажатлари – 90000 сўм

$$Ис = 900\,000 - 90000 = 810000 \text{ сўм}$$

3. Ветеринария тадбирининг 1 сўм харажатида иқтисодий самарадорлиги:

$$И = Ис : В_x$$

$$В_x = 90000$$

$$Ис = 810000$$

$$И = 810000 : 90000 = 9 \text{ сўм}$$

Итларда катарал стоматитларни даволашда 1 сум харажатга 9 сўм иқтисодий самарадорлик олинди.

2-боб бўйича хулоса

Итларда катарал стоматитларни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш борасидаги ва катарал кератоконъюнктивитларнинг учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида, Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида ва Шаҳар ветеринария бўлимида ўтказилди.

Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 120 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 16 таси (13,3%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 115 бош итлар текширилганда 17 таси (14,7 %) катарал стоматит билан касалланганлиги маълум бўлди.

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 116 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 14 таси (12%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 111 бош итлар текширилганда, 16таси (14,4 %) катарал стоматит билан касалланганлиги қайд қилинди.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 9 таси (11,5%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 7 таси (8,5 %) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасида стоматит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиклантириш шароитлари тенглаштирили улар 5 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Ҳар бир итда стоматит касалликнинг

босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Ҳар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касалликнинг даражасига қараб белгиланди.

Биринчи тажриба гуруҳи касал итларига маҳаллий ва умумий даволаш ишлари амалга оширилиб, бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 1 мл, витамин В6 дан – 1 мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда анор пўстлоғидан тайёрланган кукун пуркаш ва унинг дамламаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккинчи назорат гуруҳи касал ҳайвонларига бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 2 мл, витамин В6 дан - 2мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда мойчечак гули дамламаси эритмаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккала гуруҳ итларига даволаш муолажалари ўтказилгандан кейин бир соат давомида оғиз бўшлиғи ёпилган ҳолда фиксация қилинди.

Касалланган итлар клиник текширилганда, уларда оғиздан сўлак оқиши, чанқаш кузатилди. Оғиз бўшлиғидаги шиллиқ пардаларда оғриқ борлиги туфайли итлар овқатни секин ейди ёки айрим ҳолларда овқат емай қўяди. Шиллиқ пардалар қизариб усти кулранг ғубор билан қопланган, милкларда шиш, қонаш, қўланса ҳид ва тишларнинг қимирлаши аниқланди.

Асосий ижобий ўзгаришлар анъанавий усулларга қўшимча равишда итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилган биринчи гуруҳдаги ҳайвонларда эритроцитлар сони тажрибанинг 12-кунига келиб 11,3% га, лейкоцитлар сони 8,3 % га, қондаги гемоглобин миқдорида 22,2 %га, қонидаги лимфоцитлар миқдори 9,0 % га ошганлиги аниқланди.

Тажрибадаги ҳайвонлар ананавий усул қўлланилганда уларнинг конидаги эритроцитлар сони тажрибанинг 12-кунига келиб 12,2% га, лейкоцитлар сони 7,7% га, гемоглобин концентрацияси тажрибанинг дастлабки кунлари унчалик ўзгармаган бўлсада, тажрибанинг 12-кунига келиб эса 13,0% га, лимфоцитлар фоизи тажрибанинг 5-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 25,0% га ошган бўлса, 12-кунларига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга тенг бўлганлиги қайд қилинди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилинганда тажриба гуруҳи ҳайвонлар коннинг морфологик кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлари конидаги морфологик кўрсаткичларига нисбатан яхшиланиб борганлиги маълум бўлди.

III.боб Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар

Барча оғиз бўшлиғи касалликларини 9 гуруҳга бўлинади яъни туғма патология, тиш аномалиялари, пародонт касалликлари, пульпа касаллиги ва переапикал тўқима ҳамда бошқа оғиз бўшлиғи шиллиқ парда касалликлари киради. Шикаст натижасида келиб чиқадиган касалликлар, тишларнинг деструктив касалликлари, оғиз бўшлиғи ўсмалари, оғиз бўшлиғи жароҳати ва стоматитлар организмнинг бошқа тизим касалликларининг клиник белгиси бўлиб ҳисобланади.(G.Schamberger. et. at., 2010; Pavlica Z. et. at., 2008; Tholen M.T et. at., 1990.)

Зазулевская Л.Ю (2002), Пачес А.И (2000), Персии Л.С (2007) маълумот беришича, итлар орасида учрайдиган стоматитларни келиб чиқишини, итларни нотўғри озиқлантириш, нотўғри зоогигиеник шароитларда сақлаш, ишлатиш ва махсус ўргатиш тренингини ўтказишдаги камчиликларга боғлашади. Итларда учрайдиган стоматитлар, умумий хирургик касалликларнинг 8-18% ини ташкил қилади.

Стоматитлар тарқалишига кўра - тил, милк, юмшоқ танглай ва тишларда, турига қараб – катарал, везикуляр, дифтиритик, папилломатозли, ярали ва гангренозли, кечиш характериға кўра – ўткир, ярим ўткир ва сурункали, клиник белгилари – касаллик туриға, кечиш характериға ва тарқалишиға боғлиқ бўлади (Қ.Н.Норбоев ва бошқалар, 2007 ; А.Д.Белов, Е.П Данилов ва бошқ. 1990).

Маълумки, кесувчи ва йиртқич тишлар ҳайвонларға ўлжадан бўлакларни олиш учун ишлатилади, бунда йиртқич тишлар пичоқ сингари ёриб ташлайди (Грудянов А.И., 2006; Гусельников Е.В., 2002; Гусельников Е.В., 1997).

Оғиз бўшлиғи касалликларини ўрганишда ҳайвонларда учрайдиган турли хилдаги юқумсиз, юқумли ва хирургик касалликларни ва улар оқибатида келиб чиқадиган асоратларни билиш керак бўлади (Гусельников Е.В., 2002; Фролов, В.В., 2004; Tutt С., 2007; Tutt С ., 2006).

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватлардаги яллиғланишлар катарал, ярали, дифтирик ва камроқ везикуляр ва афтали бўлади. стоматитлар жойлашган жойига қараб локал ва диффузли, кечишиға қараб эса ўткир ва сурункали , келиб чиқишиға қараб эса бирламчи ва иккиламчи бўлади. ит ва мушукларда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаларининг яллиғланиши механик, термик, химик ва биологик омиллар таъсирида келиб чиқади.

Итларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси шикастланишининг келиб чиқиши турли хил юқумли ва юқумсиз касалликлар ва уларнинг асорати бўлиб, иккиламчи патологик жараён сифатида ривожланиб хизмат итлари боқиладиган ва кўпайтириладиган кинология питомникларида катта иқтисодий зарар етказади.

Юқорида кўрсатилган маълумотларға асосланган ҳолда, итлар орасида учрайдиган стоматит касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиши, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларини янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Итларда катарал стоматитларни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш борасидаги ва катарал стоматитларнинг учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида, Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида ва Шаҳар ветеринария бўлимида ўтказилди.

Текширишлар натижасида итларда учрайдиган стоматит касаллиги юқумли, юқумсиз касалликлар асорати сифатида ривожланиши маълум бўлди. Бундан ташқари милк, лаб, лунж ва тилнинг ўткир жисм ёки суяклар билан механик жароҳатланиши, тиш бўйинчасининг кариеси ва тиш тошларининг йиғилиши натижасида стоматитлар келиб чиқиши маълум бўлди.

Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 120 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 16 таси (13,3%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 115 бош итлар текширилганда 17 таси (14,7 %) катарал стоматит билан касалланганлиги маълум бўлди.

Шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда қабул қилинган 116 бош итлар клиник текширилганда, уларнинг 14 таси (12%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 111 бош итлар текширилганда, 16таси (14,4 %) катарал стоматит билан касалланганлиги қайд қилинди.

Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда қабул қилинган 78 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 9 таси (11,5%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 82 бош итлар текширилганда, 7 таси (8,5 %) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди.

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида қошидаги ветеринария клиникасида, институт виварийсида, Вилоят патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида сақланаётган хизмат итларида, вилоят марказий шифохонаси лабораториясида, 2012-2014 йилларда ўтказилди.

Илмий тажриба клиникага келтирилган ва питомникларда сақланаётган хизмат итлари орасида стоматит билан касалланган 10 бош итларда олиб борилди. Уларнинг сақлаш, озиклантириш шароитлари тенглаштирили улар 5 бошдан 2 гуруҳга ажратилди. Ҳар бир итда стоматит касаллигининг босқичлари, диагностикаси ва итнинг умумий ҳолати аниқланди. Ҳар бир гуруҳ итларида даволаш усуллари касаллигининг даражасига қараб белгиланди.

Биринчи тажриба гуруҳи касал итларига маҳаллий ва умумий даволаш ишлари амалга оширилиб, бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 1 мл, витамин В6 дан – 1 мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда анор пўстлоғидан тайёрланган кукун пуркаш ва унинг дамламаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккинчи назорат гуруҳи касал ҳайвонларига бунда 40% ли глюкозадан -20мл, 5% ли витамин С дан - 2 мл, витамин В6 дан - 2мл вена қон томирига ва 0,5 грам цефазалин 5 мл 0,5% ли новокаинга эритилиб мускул орасига юборилди. Маҳаллий даволашда мойчечак гули дамламаси эритмаси итлар оғиз бўшлиғини ювиш учун қўлланилди. Иккала гуруҳ итларига даволаш муолажалари ўтказилгандан кейин бир соат давомида оғиз бўшлиғи ёпилган ҳолда фиксация қилинди.

Даволашнинг самараси ўткир яллиғланиш ходисаларнинг пасайиши, экссудат сўрилиши, шишнинг пасайиши ва бошқа кўрсаткичларнинг нормаллашиш натижалари бўйича аниқланди.

Ҳайвонлар мунтазам текшириб турилди, тана ҳарорати ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус текширишлар ўтказилди.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш яъни кўрик, пальпация, усуллари ёрдамида текширилди.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш яъни кўрик, пальпация усуллари ёрдамида клиникага келтирилган ва питомникда сақланаётган итлар орасидан катарал стоматит билан касалланган итлар аниқланди. Биринчи тажриба гуруҳидаги 5 бош итнинг иккитасида оғиз бўшлиғи милкларида катарал яллиғланиши 3 бош итда эса тил ва пастки танглайида катарал яллиғланиш жараёнлари кечаётганлиги кузатилган бўлса, иккинчи назорат гуруҳидаги 3 бош ҳайвонда оғиз бўшлиғи милкларида катарал яллиғланиш ва 2 бош ҳайвоннинг тил ва пастки танглайида катарал яллиғланиш жараёнлари кечаётганлиги аниқланди. Тажрибадаги барча ҳайвонлар тажрибагача ва тажриба давомида клиник кўриқдан ўтказиб турилди.

Тажрибадаги биринчи ва иккинчи гуруҳидаги касалланган итлар клиник текширилганда, уларда оғиздан сўлак оқиши, чанқаш кузатилди. Оғиз бўшлиғидаги шиллиқ пардаларда оғриқ борлиги туфайли итлар овқатни секин ейди ёки айрим ҳолларда овқат емай қўяди. Шиллиқ пардалар қизариб усти кулранг ғубор билан қопланган, милкларда шиш, қонаш, қўланса ҳид ва тишларнинг қимирлаши аниқланди.

Даволашнинг учинчи кунларида оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилган бўлса биринчи тажриба гуруҳи итлари клиник текширилганда, уларда оғиздан сўлак оқиши озроқ камайганлиги, шиллиқ пардаларда оғриқ озроқ камайганлиги, овқатни секин ейиши қайд этилди. Шиллиқ пардалар устидаги кулранг ғубор бироз камайган, милкларда шиш пасайганлиги аниқланди.

Даволашнинг бешинчи кунига келиб, оғиздан сўлак оқиши, шиллиқ пардаларда оғриқ камайганлиги, овқатни яхши ейиши кузатилди. Шиллиқ

пардалар устидаги кулранг ғубор, милкларда шиш ва қизариш деярли кузатилмади.

Даволашнинг еттинчи кунига келиб, тажрибадаги итларнинг оғиз бўшлиғидаги морфологик кўрсаткичлар деярли физиологик меъёр даражасида келганлиги аниқланди.

Итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилганда патологик учокда регенерация жараёнларини кучайтириб, даволаш муддатини икки кунга қисқариши аниқланди.

Анъанавий усулларга қўшимча равишда итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилган биринчи гуруҳдаги ҳайвонларида тажрибанинг 3-кунида эритроцитлар сони дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 13,6 % га ошган бўлса, даволашнинг 5-кунига келиб 29,5% га, 9-кунда 20,4% га, ва тажрибанинг 12-кунига келиб эса 11,3% га ошганлиги аниқланди. Қондаги лейкоцитлар сони бу гуруҳдаги хизмат итларида даволашнинг 3-кунида 11,1%га, 5-кунида 12,5 %га, 12-кунига келиб эса 8,3 % га ошганлиги кузатилди.

Худди шундай ўзгаришлар қондаги гемоглобин миқдорида ҳам аниқланиб, бунда тажрибанинг 3-кунида улар миқдори 12,3 %га ошган бўлса, даволашнинг кейинги, яъни 5-кунида 39,5 %га, 9-кунида 29,6 %га ва тажрибанининг 12-кунига эса 22,2 %га ошди.

Биринчи гуруҳ ҳайвонлар қонидаги лимфоцитлар миқдори ҳам тажрибанинг 3-кунида 27,2 %га ошган бўлса, 5-кунга келиб эса 21,2 %га, 9-кунда 15,1 %га даволашнинг 12-кунига келиб 9,0 %га кўпайди. (3-жадвал)

Тажрибадаги анъанавий усул билан даволанган иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги эритроцитлар сони тажрибанинг 3-кунида 4,0 % га, 5-кунида 8,1% га ва фақатгина 12-кунига келиб 12,2 % га ошганлиги қайд қилинди.

Қондаги лейкоцитлар сони кузатишларнинг 3-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 3,8% га ошган бўлса, тажрибанинг 5-кунига келиб 5,1% га ва 12-кунга келиб эса 7,7% га ошганлиги кузатилди. Қонда гемоглобиннинг концентрацияси тажрибанинг дастлабки кунлари унчалик ўзгармаган бўлсада, тажрибанинг 12-кунига келиб эса 13,0% га дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ошганлиги аниқланди.

Лимфоцитлар тажрибанинг 3-кунида 22,2% га, тажрибанинг 5-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 25,0% га ошган бўлса, 12-кунларига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга тенг бўлганлиги қайд қилинди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилинганда тажриба гуруҳи ҳайвонлар қоннинг морфологик кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлари қонидаги морфологик кўрсаткичларига нисбатан яхшиланиб борганлиги маълум бўлди. Бунда биринчи гуруҳ ҳайвонлар яъни итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қилинган гуруҳдаги ҳайвонларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилди.

III. боб бўйича хулоса

Стоматитлар тарқалишига кўра - тил, милк, юмшоқ танглай ва тишларда, турига қараб – катарал, везикуляр, дифтиритик, папилломатозли, ярали ва гангренозли, кечиш характериға кўра – ўткир, ярим ўткир ва сурункали, клиник белгилари – касаллик туриға, кечиш характериға ва тарқалишиға боғлиқ бўлади (Қ.Н.Норбоев ва бошқалар, 2007 ; А.Д.Белов, Е.П.Данилов ва бошқ. 1990).

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватлардаги яллиғланишлар катарал, ярали, дифтирик ва камроқ везикуляр ва афтали бўлади. стоматитлар жойлашган жойиға қараб локал ва диффузли, кечишиға қараб эса ўткир ва сурункали , келиб чиқишиға қараб эса бирламчи ва иккиламчи бўлади. Ит ва мушукларда оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаларининг яллиғланиши механик, термик, химик ва биологик омиллар таъсирида келиб чиқади.

Итларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси шикастланишининг келиб чиқиши турли хил юқумли ва юқумсиз касалликлар ва уларнинг асорати бўлиб, иккиламчи патологик жараён сифатида ривожланиб, хизмат итлари боқиладиган ва кўпайтириладиган кинология питомникларига катта иқтисодий зарар етказади.

Итларда катарал стоматитни келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш борасидаги ва катарал стоматитларнинг учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида, ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида ва шаҳар ветеринария бўлимида ўтказилди.

Текширишлар натижасида итларда учрайдиган стоматит касаллиги юқумли, юқумсиз касалликлар асорати сифатида ривожланиши маълум бўлди. Бундан ташқари милк, лаб, лунж ва тилнинг ўткир жисм ёки суяклар билан механик жароҳатланиши, тиш бўйинчасининг кариеси ва тиш тошларининг йиғилиши натижасида стоматитлар келиб чиқиши маълум бўлди..

Хайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда қабул қилинган 120 бош итлар клиник текширилганда уларнинг 16 таси (13,3%) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш 2013 –йилда қабул қилинган 115 бош итлар текширилганда 17 таси (14,7 %) катарал стоматит билан касалланганлиги маълум бўлди.

Асосий ижобий ўзгаришлар анъанавий усулларга қўшимча равишда итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилган биринчи гуруҳдаги хайвонларда эритроцитлар сони тажрибанинг 12-кунига келиб 11,3% га, лейкоцитлар сони 8,3 % га, қондаги гемоглобин миқдорида 22,2 %га, қонидаги лимфоцитлар миқдори 9,0 % га ошганлиги аниқланди.

Бунда биринчи гуруҳ хайвонлар яъни итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қилинган гуруҳдаги хайвонларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлик ва фармокологияси кафедрасининг клиникасида 2012 йилда 16 бош (13,3%), 2013 –йилда 17 бош (14,7 %) , шаҳар ветеринария бўлимида 2012 йилда 14 бош (12%) 2013 –йилда 16 бош (14,4 %) , Самарқанд вилояти патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси кинология хизмати хизмат итлари питомнигида 2012 йилда 9 бош (11,5%) , 2013 –йилда 7 бош (8,5 %) катарал стоматит билан касалланганлиги аниқланди.

2.Хизмат итлари оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси шикастланишининг келиб чиқиши турли хил юқумсиз касалликлар ва уларнинг асорати сифатида ривожланиши инобатга олиб, катарал стоматитни олдини олишда улар сақланадиган кабиналар кенг ва ёруғ бўлиши, улар рационидида гўшт ва сут маҳсулотлари 40 %, крупа, нон 50 %, картошка ва сабзавот 10 % дан кам бўлмаслиги сабзи ва қарам балиқ уни 50 г (2,4,6 кунлар), ҳар куни ҳайвонот ёғи 25 г ва ош тузи 15 г гача берилиши лозим.

3. Итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилган биринчи гуруҳдаги ҳайвонларда эритроцитлар сони тажрибанинг 12-кунига келиб 11,3% га, лейкоцитлар сони 8,3 % га, қондаги

гемоглобин миқдорида 22,2 %га, қонидаги лимфоцитлар миқдори 9,0 % га ошганлиги қайд этилди.

4. Итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилганда патологик учокда регенерация жараёнларини кучайтириб, даволаш муддатини икки кунга қисқариши аниқланди.

Амалий тавсиялар

1. Итларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси шикастланишининг келиб чиқиши турли хил юқумли ва юқумсиз касалликлар ва уларнинг асорати бўлиб, иккиламчи патологик жараён сифатида ривожланади, катарал стоматитни олдини олишда ,уларда учрайдиган турли юқумли ва юқумсиз касалликларни ўз вақтида даволаш ва олдини олиш чора–тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

2. Итларда оғиз бўшлиғидаги катарал стоматитни даволашда анъанавий усулларга қўшимча маҳаллий анор пўстлоғидан тайёрланган кукун ва унинг дамламаси қўлланилганда патологик учокда регенерация жараёнларини кучайтириб, даволаш муддатини икки кунга қисқаришини инобатга олиб, ҳар куни 3 марта қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Адолатли жамият сари”. Тошкент “Ўзбекистон” 1998 йил
 2. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалик тарққиёти тўкин ҳаёт манбаи”
Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10 сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 25 декабр. Тошкент “Ўзбекистон”, 1998 йил.
 3. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1999 йил.
 4. Каримов. И.А. “Кучли давлатдан кучли жамият сари”. Тошкент “Шарқ”, 1998 йил.
 5. Каримов И.А. “ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1997 йил.
 5. Каримов И.А. “Ислохотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1996 йил.
 6. Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1995 йил.
 - 7 Каримов И.А. “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1995 йил.
 8. Каримов И.А. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари лари чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2006 йил 23 март 308-қарори.
 1. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент “Ўзбекистон”, 2008 йил.
 10. Каримов И.А. “ Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент “Ўзбекистон”, 2009 йил.
 11. ЎЗР. Вазирлар Маҳкамасининг 842-сонли қарори 2008 йил. Апрель.
 12. Каримов И.А. “ Биз танлаган йўл демократик тарақиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли ” Тошкент “Ўзбекистон”, 2003 йил.
1. Зазулевская Л.Ю. Систематика болезней зубов/ Проблемы стоматологии. - № 3 (17). - 2002.
 2. Лангле Роберт П., Миллер Крэйг С. Атлас заболеваний полости рта. - Гэотар Медиа. - 2008.
 3. Пачес А.И. Опухоли головы и шеи. - М.: Медицина. 2000.
 4. Персии Л.С. Ортодонтия. Диагностика и лечение зубочелюстных аномалий. - Медицина. 2007.
 5. Хельвиг Э., Клибек Й., Аттин Т. Терапевтическая стоматология. Под ред. проф. А.М. Политун. проф. Н.И. Смоляр. Пер. с нем. - Львов: ГалДент, 1999.
 6. American Veterinary Dental College. Nomenclature Committee, Recommendations adopted by the AVDC Board Version Current as of November 2010 [Internet], New Jersey: American Veterinary Dental College: C1988-2009 [cited 2011 Aug 3]. Available from: <http://www.avdc.org/nomenclature.html>.

7. Cecilia Gorrel. Veterinary Dentistry for the General Practitioner, Paperback, 2004.
8. Frank J M Verstraete. Veterinary Dentistry. Thieme/Manson. 1999.
9. Gawor J. Dziedziczne zaburzenia i choroby jamy ustnej u psów rasowych. Propozycja ewidencji ich występowania. [Hereditary oral disorders in pedigree dogs. Preliminary proposal of recording their evidence.] Magazyn Wet. 2009. 5. 474-9. Polish.
10. Gwenn Schamberger. Sandra Manfra Marretta. Richard Dubielzig. Misty Finn. Regional Odontodysplasia in a Juvenile Dog. J Vet Dent 27(2): 98 -103. 2010.
11. Hale FA. Dental Caries in the dog. J Vet Dent 15(2). 79-83. 1998.
12. Hale FA. Juvenile Veterinary Dentistry. In: Holmstrom SE. Vet. Clin. North Am. Small Anim. Pract. Dentistry. Vol 35. No 4. July 2005.
13. Niemiec BA Fundamentals of Endodontics. Holmstrom SE. Vet. Clin. North Am. Small Anim. Pract. Dentistry. Vol 35. No 4. July 2005.
14. Okuda A. Asari M. Harvey CE. Challenges in treatment of external odontoclastic resorptive lesions in cats. Comp Cont Ed Pract Vet 17(12). 1461-1467. 1995.
15. Paul Mitchell. Small Animal Dentistry, Butterworth Heinemann, 2002.
16. Pavlica. Z., et al. I.. Periodontal disease burden and pathological changes in organs of dogs. J Vet Dent. 2008. 25(2): p. 97-105.
17. Periodontal disease, under the general editorship of Professor U Orekhova / 3 12 M: Poly Media Press, 2004.
18. Tholen MT. Hoft RF. Oral pathology. In: Bojrab MJ. Tholen MT. eds. Small animal oral medicine and surgery. Philadelphia: Lea & Febiger. 1990.
19. Wiggs RB. Lobprise HB. editors. :Veterinary dentistry principles & practice. Philadelphia: Lippincott-Raven: 1997.
20. Wolf. H.F. et al., Color Atlas of Dental Medicine. Periodontology. 3rd ed. ed. K.H. Rateitschak and H.F. Wolf. 2005. Stuttgart: Georg Thieme Verlag. 1 - 66.
21. Климов А.Ф., Акаевский А.И. Анатомия домашних животных. Санкт-Петербург. Москва. Краснодар-2003
22. Нарзиев Д.Х. Хайвонлар анатомияси, Тошкент, 1986
23. Нарзиев Б.Д. «Итларнинг умумий ва махсус дрессировкаси» Самарқанд 2011й.
24. Бонсор С. Дж. Альтернативный режим дезинфекции корневых каналов/ С. Дж. Бонсор, Р. Ничол, Т.М.С. Рейд, Г.Дж. Пирсон // Клиническая стоматология. 2007. № 2 (42). - С. 6-12.
25. Боровский Е.В. Рабочая длина зуба и методы её определения / Е.В.Боровский, Н.С. Жохова, И.М. Макеева // Клинич. стоматология. -1998.- №2.-С.8-11.
26. Варганов А.И. Обезболивание и новокаиновая терапия при незаразных болезнях животных. -М.: «Колос», 2001 ????
27. Гусельников Е. В. Основные подходы в диагностике и терапии заболеваний ротовой полости собак и кошек // Ветеринарная практика. 1997. № 1.- С. 17—23. 31. Гусельников Е. В. Эндодонтная терапия. БНПЦ Чин, 2002. С. 2.

28. Денни Х. Ортопедия собак и кошек./ Х.Денни, С. Баттервоф. М.: Аквариум. 2004.- С. 193-206.
29. Жизель Хозгуд. Терапия и хирургия щенков и котят. М.: "Аквариум ЛТД", 2000. - ???с.
30. Лукьяновский В. А. Лечим собаку: Справочник. / В. А. Лукьяновский, И. М. Беляков М.: Изд-во «Нива России», Компании «Евразийский регион», 1998. Кн. 1. - С. 17- 20.
31. Фролов В. В. Болезни зубов и полости рта у собак. М.: «АКВАРИУМ БУК». 2003, - 96 с.
32. Фролов В. В. К вопросу о санации ротовой полости у собак //Ветеринария Поволжья. 2004. № 1. С. 38- 41.
33. Фролов В. В. Протезирование зубов у мелких животных. Ветеринарная медицина. Современные проблемы и перспективы развития: Материалы V Всероссийской научно-практической конференции 2005г. Саратов: Изд-во В. П. Латанова, - С. 129-130.
34. Фролов В. В. Распространение заболеваний зубочелюстной системы у собак // Ветеринария Поволжья. 2002. № 3. С. 22-23.
35. Фролов В. В. Стоматиты собак. Ветеринарная медицина. Современные проблемы и перспективы развития: Материалы V Всероссийской научно-практической конференции 2005г. Саратов: Изд-во В.П. Латанова, - С. 130-131.
36. Фролов В. В. Стоматология собак. Ветеринарная медицина. Современные проблемы и перспективы развития: Материалы II—IV региональной научно-практической конференции 2002-2004 гг. -Саратов: Изд-во В. П. Латанова, 2004. С. 70-71.
37. Фролов В. В. Эпулис собак. Ветеринарная медицина. Современные проблемы и перспективы развития: Материалы II—IV региональной научно-практической конференции 2002—2004 гг. Саратов: Изд-во В. П. Латанова, 2004. С. 38—39.
38. Фролов В. В. Влияние заболеваний зубочелюстного аппарата на ряд систем организма собаки/ В. В. Фролов, Н. Ю.Ушакова. // Ветеринария Поволжья 2005. №3(9)-1(10). С. 19-21.
39. Фролова А. И. Кариес у собак и кошек./ А.И.Фролова, А. А. Петрова //Ветеринария Поволжья. 2002. № 2. С. 22-23
40. Baker, P. J. T-cell contributions to alveolar bone loss in response to oral infection with Porphyromonas gingivalis. Ada Odontol text. / P. J. Baker, J. Garneau, L. Howe, D. C. Roopenian// Scand. 2001. - P. 59, 222 - 225.
41. Анатомия собаки. Висцеральные системы (спланхнология): учебник /Н.А. Слесаренко и др..- СПб:Лань, 2004.- С. 21-29.
- 42.Анатомия собаки: учебник для вузов. По спец.: "Зоотехния", "Ветеринария", 4.1. Соматические системы / Н.А. Слесаренко и др..-М.: Колос, 2000.- 93 с.
43. Анатомия собаки и кошки / Б.Фольмерхаус, Й. Фревейн.- М.: Аквариум, 2003.- 183 с.

44. Аржанцев, П.З. К чему приводят заболевания органов полости рта /П.З. Аржанцев, П.Б. Ависов.- М.: Знание, 1984.- 96 е.
- 45 Баранов, А. Е. Здоровье вашей собаки / А.Е. Баранов.- М.: ЭКСМО-Пресс, 1998.- 272 с.
- 46.Семенов, Б.С. Ветеринарная хирургия ортопедия, офтальмология / Б.С. Семенов, А.А. Стекольников, Д.И. Высоцкий.-М.: Колос, 2003.
47. Улитовский, С.Б. Ошибки, наиболее часто допускаемы при чистке зубов / С.Б. Улитовский // Новое в стоматологии.- 1999.- №7.-С. 49-53.
- 48 . Фролов, В.В. К вопросу о санации ротовой полости у собак /
49. Грудянов, А.И. Хирургические методы лечения заболеваний пародонта / А.И. Грудянов, А.И. Ерохин.- М., 2006.- 128 с.
- 50.Гусельников, Е.В. Здоровые зубы здоровое животное текст. / Е.В. Гусельников // Ветеринарная клиника. - 2002. - №12. - с. 11-12.
- 51.Гусельников, Е.В. Основные подходы в диагностике и терапии заболеваний ротовой полости собак и кошек / Е.В. Гусельников //Ветеринарная практика.- 1997.- № 1.- С. 17-23.
52. Tutt, C. Manual of Canine and Feline Dentistry / C. Tutt, J. Deepprose, D. Crossley // BSAVA.- 2007.- P. 47-49; 153-156.
53. Tutt, C. Small Animal Dentistry / C. Tutt // Blackwell Publishing.-2006.-P. 204-212.
- 54.Зазулевская Л.Ю. Систематика болезней зубов/ Проблемы стоматологии. - № 3 (17). - 2002.
- 55.Пачес А.И. Опухоли головы и шеи. - М.: Медицина. 2000.
- 56.Персии Л.С. Ортодонтия. Диагностика и лечение зубочелюстных аномалий. - Медицина. 2007.
- 57.Қ.Н. Норбоев, Б.Б. Бакиров, М.Б.Эшбуриев Хайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари. Н.Доба. 2007
- 58.А.Д.Белов, Е.П. Данилов и др. Болезни собак. М. Агропромиздат 1990
- 59.Gwenn Schamberger. Sandra Manfra Marretta. Richard Dubielzig. Misty Finn. Regional Odontodysplasia in a Juvenile Dog. J Vet Dent 27(2): 98 -103. 2010.
- 60.Pavlica. Z.. et a I.. Periodontal disease burden and pathological changes in organs of dogs. J Vet Dent. 2008. 25(2): p. 97-10
- 61.Tholen MT. Hoft RF. Oral pathology. In: Bojrab MJ. Tholen MT. eds. Small animal oral medicineand surgery. Philadelphia: Lea & Febiger. 1990.
- 62.Зейферт А. Собака.—М., 1907.—73с .
- 63.Жеденов В.Н. Общая анатомия домашних животных.—М.: Сов. наука, 1958.—582с.
- 64.Шалимов С.А., Радзиховский А.П., Кейсевич Л.В., Руководство по экспериментальной хирургии. М.: “Медицина” 1989г.
- 65.Л.С. Богославская и др. О собаке. М.: 1992.
- 66.Ф.Зиёдинов ва бошқалар. Кинология асослари.Т.:2003.
- 67.Р.А.Хасанов. Декоративное собаководство.Т.:1990.
68. Хохрин С.Н. “Кормление собак” Санкт-Петербург.2001.

69.Салимов Б.С . ва бошқалар Кинология ва ит касалликлари . Самарқанд 2010,
7-153бет